БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 251 (17.831). • 31 октябрь 1980 йил, жума • Баҳоси 2 тийин.

МЕҲНАТ РАПОРТЛАРИ

Самарқанд области саноатининг меҳнаткашлари Улуғ Октябрнинг 63 йиллиги шарафига меҳнат вахтасида туриб 1980 йил ва ўнинчи беш йиллик топшириқларини барвақт бажариш учун ўтказилаётган социалистик мусобақани кенг авж олдириб, маҳсулот реализация қилиш ва саноат буюмларининг кўпчилик турларини ишлаб чиқариш ўн ойлик планини муваффақиятли бажардилар. Топшириқдан ташқари 7,8 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади ва реализация қилинади.

* * *

«Узплодоовощчвинпром»нинг саноат корхоналари, ишлаб чиқариш аграр бирлашмаларининг коллективлари КПСС Марказий Комитети 1980 йил октябрь Пленумининг қарорларига амалий иш билан жавоб бериб, маҳсулот реализация қилиш юзасидан шу йил ўн ойлик планини муваффақиятли бажардилар. Топшириқдан ташқари 7,8 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади ва реализация қилинади.

(ЎзТАГ).

МОСКВАДАН ЖЎНАБ КЕТДИ

Социалистик Эфиопия Муваққат ҳарбий маъмурий кенгаши (МҲМК) Раиси, Эфиопия Меҳнаткашлар партияси ташкилот комиссияси (МПТК) Раиси Менгисту Хайле Мариам 30 октябрь куни Москвадан Волгоградга жўнаб кетди.

Аэродромда меҳмонни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг биринчи ўринбосари В. В. Кузнецов, бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

(ТАСС).

ҲАЁТ ҚАҲРАМОНЛАРИ — АДАБИЁТ ҚАҲРАМОНЛАРИ

Бугун республикамиз пойтахти Тошкентда Ўзбекистон ёзувчиларининг навбатдаги анжуманн иш бошлайди. Маданий ҳаётимиздаги бу улкан воқеа ажойиб бир даврда ўтмоқда. Бутун партиямиз, совет халқи, қудратли мамлакатимиз меҳнат аҳли шонли КПССнинг XXVI съездини улуғвор зафарлар билан кутиб олишга астойдил бел боғлаган, қўёшли республикамиз коммунистларининг XX съезди тобора яқинлашиб келаётган, ўнинчи беш йиллик барча кўрсаткичлари бўйича ғоят муваффақиятли якунланаётган, кўпдан орзу қилинган олти миллион тонналик «оқ олтин» тоғларимиз қад тиклаган бир пайтда бадиий адабиёт соҳасидаги ишлар ва режалар, ижодкор зиёлиларимиз эришган ютуқлар сарҳисоб қилинади.

Биз бугун ифтихор билан айта оламизки, ўзбек совет адабиёти умумсовет адабиётининг ажралмас таркибий қисми, унинг илғор отрядларидан бири сифатида улкан йўлни босиб ўтди. У коммунистик қурилишнинг барча босқичларида жонажон ленинчи партиямизнинг содиқ ёрдамчиси бўлди. Улуғ партиямиз планларини оғишмай амалга оширишда, ҳаётга татбиқ этишда, сталин бадиий образларда тараннум этишда ҳамиша жонбозлик кўрсатди, ўзининг юксак эмоционал таъсирчан кучи билан ғояларимиз тантанасига хизмат қилди ва хизмат қилмоқда.

Совет кишиларини муқаддас ватанпарварлик ва интернационализм руҳида тарбиялаш, букилмас иродали коммунистлар образини яратиш, меҳнат кишисини улуғлаш, ишчилар, деҳқонларнинг ажойиб намояндалари тимсолини яратиш — адабиётимизнинг доимо бош мавзуи бўлиб келганлиги ҳаммамизни қувонтиради.

Ҳаётимиз қаҳрамонларга тўла. Буюк ижод ва юксалиш тўлқини республикамизда ҳам кенг қулоч ёйган. Шаҳарлар қураётган, ернинг жавоҳир хазиналарини халқимиз фаровонлигига бахшида этаётган, чўлларни чаманга айлантираётган минг-минглаб баҳодирлар, илму фан аппоаларн, пахтакорлар, чорвадорлар — турли-туман касб эгаларининг ягона мақсадга уюшган залворли меҳнати, бой маънавий дунёси, ёрқин режалари, олий ҳис-туйғуларини ишонарли лавҳаларда, такрорланмас образларда, гўзал ҳаётий бўёқларда тасвирлаётган ўзбек совет адабиёти умумхалқ ҳурматига сазовор бўлганлиги табиийдир.

Бадиий сўз усталари ўтган даврда адабиётимизнинг турли жанрларида салмоқли, китобхон меҳр-муҳаббатини қозонган асарлар яратишди. Айниқса, прозамиз катта қадамлар билан одимламоқда. Унда ҳаётимизни кенг, чуқур бадиий таҳлил этувчи, замондошларимизнинг мураккаб ички оламини бутун қирралари билан намоён этувчи йирик полотнолар майдонга келди. Бундай асарлар ҳаётий муаммоларни дадил ўртага қўяди, китобхонни фикрлашга, ҳаётга актив муносабатда бўлишга ундайди. Бизда қисса жанрининг ривожланганлиги, очерк ва публицистиканинг ҳаётга актив аралашуви бу соҳадаги ютуқлар ва имкониятларни кўрсатиб туради.

Поэзиямиз катта изланишлар йўлидан бормоқда. Ижодда устодлар йўлини — Ҳамза, Ҳамид Олимжон, Ғафур Ғулом традицияларини муваффақият билан давом эттираётган истеъдодли ижодкорлар ўзларининг жўшқин шеърий сатрларида давримизни, совет воқелигини оригинал тасвирий воситаларда улуғлаб, янги-янги поэмалар, шеърий туркумлар, фалсафий лирикаларнинг кўпгина яхши намуналарини яратмоқдалар.

Драматургия, адабий танқид, болалар адабиёти соҳаларида ҳам сезиларли ўсиш юз берди. Тарихий-инқилобий мавзуни кенг очиб берувчи, бугунги кунимиз қаҳрамонларининг ички дунёсини, меҳнати ва курашини реал ифодаловчи саҳна асарлари яратилиши, болалар ва ўсмирлар адабиётида саргузашт жанрининг камол топиши, фантастик мавзуларда дадил қадам ташлаётган ёшлар ижоди адабиётимизнинг тасвирий диапазони, қамрови кенгайиб бораётганлигини кўрсатади. Ижодий жараённи кенг, объектив, чуқур партиявийлик, халқчиллик нуқтаи назаридан таҳлил этиб беришга даъват этилган адабий танқидчиликда моҳир қаламкашлар муваффақият билан иш олиб бормоқдалар.

Коммунистик партия санъаткорларимиз камолига, адабиёт ва санъатимизнинг муттасил ривожланишига ҳамиша оталарча ғамхўрлик билан муносабатда бўлмоқда. Ижодкорлар бизнинг Ватанимизда катта ҳурмат ва эътибор билан қуршаб олинган. Ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС XXV съездига Марказий Комитет номидан қилган докладида айтилганидек, «адабиёт ва санъатнинг талантли асарлари миллий бойликдир. Биз шуни яхши биламизки, бадиий сўз, бўёқлар жилоси, тошдаги нақшлар, товушларнинг оҳангдорлиги замондошларни илҳомлантиради, қалбимизда авлодимиз тўғрисидаги, замонамиз, унинг қаҳжонлари ва бунёдкорликлари тўғрисидаги хотираларни келажак авлодларга етказади».

Партиямиз Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Кичик ер», «Тикланиш», «Қўрриқ» асарларидан иборат машҳур трилогияси ўзининг ўткир сиёсий публицистик руҳи билан, меҳнат кишисига, қаҳрамон коммунистлар сиймосига чуқур ҳурмат туйғуси билан, ҳаётга актив муносабатда бўлиш, қийинчиликларни бартараф этишдаги матонатни кўрсатиш руҳи билан барча сўз санъаткорларимиз учун ажойиб, беқиёс намунадир.

Бизнинг ўзбек адабиётимизда ҳам умуминтифоқ китобхонига кенг манзур бўлаётган, хорижий элларда ҳам севилиб ўқиладиган асарлар сони тобора ўсмоқда. Мана шу фактнинг ўзи ҳам бизда ижодий жараённинг теран негизларидан, адабиётимиз кенг кўламлар касб этаётганидан далолат беради.

Ҳаётимиздаги қаҳрамонлар адабиёт қаҳрамонларига айланаётганлиги ҳам ғоят характерли, қувончли ҳодисадир. Турсуной Охунова, Аҳмаджон Одилов каби ажойиб меҳнат кишилари ҳақида яратилаётган китоблар, уларнинг романлар, достонлар, киссалар, пьесалар саҳифаларида ёрқин кўрсатилиши улкан ижобий процесс бўлиб, ғоят катта тарбиявий аҳамиятга молликдир.

Бироқ, ошкора айтиш керакки, пахтакор меҳнати, пахтакор қиёфаси, унинг ёрқин, нурли, изланувчан, қураш ва янгиликларга тўла йўлини ҳаққоний акс эттирувчи асарлар ҳали бизда етарли эмас. Адибларимиз бу ғоят мураккаб мавзуни фақат ташқи томондан ёритиш билан кифояланадилар.

Ҳолбуки, бу соҳа, бу мавзу, бу меҳнат катта ижодий сафарбарликни, воқеаларнинг ич-ичига кириб боришни, уларнинг мантиқий боғлиқлигини, табиат ва инсон ўртасидаги муносабатларни реал, ҳаётий, чуқур ва ксиғроқ кўрсатишни талаб қилади. Бугунги пахтакор — бу давлат миқёсида фикрловчи, техника тараққиётидан мукаммал баҳраманд, ўз меҳнатининг ижтимоий маъносини тўлиқ ҳис этувчи мураккаб инсондир. У илғор ишчи, етук зиёли даражасидаги ижодкор кучдир.

Биз бундай қутлуғ кунларда яхши ишларимизни сарҳисоб қилиш билан чекланмай, балки, қилинажак ишларимизга кўпроқ эътибор беришимиз, адабиётимизнинг бундан бўёнги йўналишини, уни янги, юксак савияли асарлар билан янада бойитиш йўлларини белгилаб олишимиз керак.

Қилинажак ишлар, адабиёт намояндалари қўл уриб, бадиий ҳал қилиб бериши лозим бўлган муаммолар, ҳаётий проблемалар ҳали кўпдир. Пахтакорларимиз меҳнатини бутун мураккаблиги, бутун кўлами ва гўзаллиги билан кўрсатиб берувчи асарлар ёзилиши ҳали ўз ижодкорини кутмоқда. Ажойиб механизаторларимиз, ирригаторларимизнинг қаҳрамонона меҳнати, образи ҳали бизда мукаммал акс эттирилганича йўқ. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий бойликларимиздан тежаб-тергаб фойдаланиш, аҳоли турмуш маданиятини янада юксалтириш йўлидаги катта меҳнатимизни кўрсатувчи асарлар ҳали ўз бунёдкорини кутмоқда.

Замон воқеаларининг иштирокчиси бўлиш, турмушни чуқур ўрганиш, воқелигимизни чинакам бадиий акс эттириш — асосий вазифадир.

Буюк мамлакатимиз ўн биринчи беш йиллик арафасида турибди. КПССнинг бўлажак XXVI съезди бошлаб берадиган янада улкан ўзгаришлар, катта тараққиёт ва парвозлар даври бошланаётир. Бизнинг адибларимиз, умуман, барча санъаткорларимиздан ҳам совет халқи улкан ижодий зафарлар кутади.

ДЎСТОНА АМАЛИЙ ВИЗИТ



Учрашув пайти.

(ТАСС—ЎзТАГ телефотоси).

КПСС Марказий Комитети билан Совет ҳукуматининг таклифига биноан Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари Станислав Каня ва ПБИП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Польша Халқ Республикаси Министрлар Советининг Раиси Юзеф Пиньковский 30 октябрь куни дўстона амалий визит билан Москвага келдилар.

ПХР ва СССР давлат байроқлари билан безатилган Внуково аэродромида Л. И. Брежнев, Н. А. Тихонов, А. А. Громико, К. В. Русаков ўртоқлар Польша раҳбарларини кутиб олдилар.

Кутиб олувчилар орасида ПХРнинг СССРдаги элчиси К. Ольшевский бор эди.

Кремлда олий даражада Совет — Польша учрашуви бўлиб ўтди. Бу учрашувда:

Совет томонидан — КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Тихонов, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, КПСС Марказий Комитетининг секретари К. В. Русаков, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари И. В. Архипов;

Польша томонидан — ПБИП Марказий Комитетининг Биринчи секретари С. Каня ва ПБИП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ПХР Министрлар Советининг Раиси Ю. Пиньковский қатнашдилар.

Совет — Польша муносабатларини янада ривожлантириш масалалари учрашув қатнашчиларининг диққат марказида бўлди. Бу муносабатлар яхши қўшничилик, ўртоқларча бирдамлик, мақсад ва ниятлар муштараклиги руҳи билан йўғрилган. 35 йиллан ошлики, СССР билан ПХР ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида тузилган шартнома совет халқи билан Польша халқининг ҳаётий манфаатларига садоқат билан хизмат қилмоқда. Совет Иттифоқи ва Польша Халқ Республикаси социалистик мамлакатларининг коллектив ташкилотлари. Варшава Шартномаси ва Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши доираларида муваффақият билан ҳамкорлик қилиб келмоқдалар.

Совет ва Польша раҳбарлари иккала халқни боғлаб турувчи узилмас қардошлик ришталарини сақлаш ва мустаҳкамлаш ва аҳд қилганликларини изҳор этдилар.

Иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш истиқболлари кўриб чиқилаётганида Польша томонининг машинасозлик, енгил саноат, озиқ-овқат саноати ва қайта ишлаш саноатининг бошқа тармоқлари маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун Польша саноатининг имкониятларидан янада тўлароқ фойдаланишни таъминлаш билан боғлиқ масалалар ҳусусидаги мулоҳазаларга алоҳида эътибор берилди.

Ғоят муҳим проблемалар юзасидан яқин фурсатга ва келажакка мўлжалланган иқтисодий программаларни ишлаб чиқиш тўғрисида келишиб олинди. Айниқса қишлоқ хўжалиги учун юксак самарали машина-ускуналар ишлаб чиқаришда иккала мамлакат фан-техника потенциали ва саноатининг имкониятларидан, шунингдек аҳоли эҳтиёжларини қондириш учун маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш мақсадида қишлоқ хўжалик фани ютуқларидан янада кенгроқ кўламда фойдаланиш мақбул деб топилди.

Л. И. Брежнев Совет Иттифоқида КПССнинг XXVI съездига тайёргарлик авж олдириб юборилганлигини, КПСС Марказий Комитетининг яқинда бўлиб ўтган Пленуми якунлари тўғрисида гапириб берди.

С. Каня Польшадаги аҳвол тўғрисида, ПБИП Марказий Комитети VI пленумининг қарорлари қандай амалга оширилаётганлиги ҳақида мамлакатдаги вазиятни барқарор қилиш учун Польша коммунистлари сарфлаётган куч-ғайратлар тўғрисида ахборот берди.

Л. И. Брежнев қардош Польшанинг коммунистлари, меҳнаткашлари ўз олдиларида турган сиёсий ва иқтисодий ривожланишнинг ўткир проблемаларини ҳал эта биладилар ва халқ ҳокимияти йилларида бунёд этилган моддий ва маънавий потенциалга таяниб меҳнаткашларнинг турмуш даражасини ўстиришни, халқ Польшаси бундан буён ҳар томонлама тараққий этишини таъминлайдилар, деб совет коммунистлари, Совет Иттифоқи меҳнаткашларининг билдирган ишончини изҳор этди.

Учрашув қатнашчилари муайян империалистик доираларнинг социалистик Польшага қарши қўпорувчилик ишларини олиб бориш ва унинг ишига аралашишга уринганликларини қатъиян қораладилар. Бундай уринишлар Хельсинкидаги кенгашнинг Якуновчи актига зид, Европа халқларининг манфаатларига, қитъадаги тинчлик ва ҳамкорлик ишига қарама-қаршидир.

Л. И. Брежнев ва С. Каня ўртоқлар Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар ташқи ишлар министрлари комитетининг яқинда Польша пойтахтида бўлиб ўтган мажлисининг якунларидан мамнун бўлганликларини айтдилар. Бу эса социалистик мамлакатлар Мадриддаги кенгашга яхши нилт ва ҳамма учун манфаатли Европадаги ҳамкорликни яна олға силжитиш истаги билан боришини кўрсатувчи янги бир далилдир.

Суҳбатда ҳозирги халқаро вазиятнинг бошқа актуал проблемалари кўриб чиқилди. Ядро қуролланиши пойгаси янги давраси бошланишига тўсқинлик қилмоқ учун собиқдам ҳаракатларнинг ҳозир ҳар қачонгидан ҳам зарур эканлиги таъкидланди. Қуролланиш пойгасини тўхтатиш конструктив программасини таклиф этган СССР, Польша ва бошқа социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари айни шу йўлда ҳаракат қилмоқдалар.

Учрашув КПСС билан ПБИП ўртасидаги муносабатларга хос сидқидилликда ва қарашлар бирлиги вазиятида ўтди.

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси ва Совет ҳукумати ПБИП Марказий Комитетининг Биринчи секретари С. Каня билан ПБИП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ПХР Министрлар Советининг Раиси Ю. Пиньковский шарафига Кремлда нонушта зиёфат бердилар.

* * *

С. Каня ва Ю. Пиньковский ўртоқлар шу кунноқ ўз ватанига жўнаб кетдилар.

Внуково аэродромида Л. И. Брежнев, Н. А. Тихонов, А. А. Громико, К. В. Русаков ўртоқлар Польша раҳбарларини кузатиб қолдилар.

Кузатиб қолувчилар орасида ПХРнинг СССРдаги элчиси К. Ольшевский бор эди. (ТАСС).

МАРИ ДИЁРИДА БАЙРАМ

ЙОШКАР-ОЛА, 30 октябрь. (ТАСС). Қадимий Мари диёридаги шаҳар ва қишлоқлар қизил байроқлар ва алвонлар билан безатилган: автоном республика — 60 ёшда. Бугун КПСС Мари область комитети билан Мари АССР Олий Советининг тантанали мажлиси ана шу шонли санага бағишланди.

Мажлис аҳли КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг автоном республика меҳнаткашларига йўллаган табрикномасини гулдурос қарсаклар билан кутиб олди. Табрикномани КПСС Мари область комитетининг биринчи секретари И. С. Гусев ўқиб эшиттирди. У ўртоқ Л. И. Брежневнинг мажлис қатнашчиларига, Мари АССРнинг барча меҳнаткашларига йўллаган самимий саломини ва меҳнатда муваффақиятларга эришишини тилаб билдирган яхши истакларини топширди.

Нотиқлар таъкидлаб ўтганларидек, автоном республика олтмиш йил мобайнида асрларга тенг келадиган йўлни босиб ўтди. Ўтмишда қолоқ бўлган ўлкада юксак даражада ривож топган индустрия барпо этилди. Бу ерда машинасозлик, радиоэлектроника, енгил, озиқ-овқат, ўрмон ва целлюлоза-қоғоз саноати тез ривожланмоқда. Ҳозирги вақтда республика корхоналари бир суткада бутун 1920 йилдагига нисбатан беш баравар кўп маҳсулот ишлаб чиқармоқда. Қишлоқ хўжалигида туб ўзгаришлар рўй берди. Колхоз ва совхозлар қишлоқ хўжалигини изчиллик билан саноат негизига кўчириб, партия ва давлатнинг жуда катта ёрдами туфайли ўз моддий-техника базасини доимо мустаҳкамламоқдалар, деҳқончилик маданиятини оширмоқдалар. Донли экинлар ҳосилдорлиги ўсиб бормоқда, чорвачилик маҳсулоти етиштириш кўпаймоқда. Миллий маданият анча юксалди.

Мажлис қатнашчилари Мари АССР меҳнаткашлари беш йилликни муваффақиятли тугаллашга, КПСС XXVI съездини меҳнатда янгидан-янги ғалабалар билан кутиб олишга аҳду паймон қилганликларини айтдилар. КПСС Марказий Комитетига, СССР Олий Совети Президиумига, СССР Министрлар Советига, ўртоқ Л. И. Брежневга баланд руҳ билан табрикнома қабул қилинди.

Сирдарё области: МАЖБУРИЯТ БАЖАРИЛДИ

Қўрриқ Сирдарё области қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари партия XXV съездининг, КПСС Марказий Комитетининг шундан кейинги Пленумларининг тарихий қарорларини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг кўрсатмаларини амалга ошира бориб, социалистик мусобақани кенг авж олдириб, мўл пахта ҳосили етиштирдилар, уни йиғиб-териб олишни уюшқоқлик билан ўтказдилар ва давлатга пахта сотиш юзасидан ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йили социалистик мажбуриятларини муддатидан илгари, 30 октябрь куни шараф билан бажардилар. Топширилган пунктларига 410 минг тонна «оқ олтин» етказиб берилди. Ҳосилнинг 80 проценти машиналарда терилди. Бутун ҳосилнинг салкам 90 проценти биринчи сортларга қабул қилинди. Область хўжаликлари 40 минг тоннадан зиёд юқори сифатли пахтани ўн биринчи беш йиллик ҳисобига топширдилар.

Областнинг ҳамма районлари, совхозлари ва колхозлари меҳнат ғалабасига муносиб ҳисса қўшдилар. Оқолтин районининг хўжаликлари тайёрлов пунктларига 77 минг тонна, Ильич районн 66 минг, Боёвут районн 60,7 минг, Сирдарё районн 52 минг, Ворошилов районн 47,7 минг, Гулистон районн 40,7 минг, Комсомол районн 30 минг, Меҳнатобод районн 21,4 минг, Ховос районн 14,5 минг тонна пахта етказиб бердилар.

Ильич, Боёвут, Ворошилов районларининг, 55 колхоз ва совхознинг, 196 бўлим ва 1652 бригаданинг пахтакорлари оширилган социалистик мажбуриятлари ҳисобига пахта топширмоқдалар.

«Фарғона», У. Юсупов номли, Алексеевский номли, «Октябрь 60 йиллиги», Узоков номли, Гагарин номли, «Мирзачўл», «Советобод», Ғ. Юнусов номли совхозлар, «Боёвут» совхоз-техникуми, Карл Маркс номли, Свердлов номли, «Коммунизм», «Ленинград» колхозларининг коллективлари давлатга пахта сотиш йиллик ҳажмини олдингилар қаторида бажардилар.

Ильич районидаги «Правда» совхозидан Тоғай Идиқулов, Титов номли совхоздан Нишон Абдуллаев, Ворошилов районидаги К. Маркс номли колхоздан Шариф Субхонов, Жумабой Йўлдошев, Комсомол районидаги «Коммунизм» колхозидан Ғози Жавадов, Аҳмад Мамедов, Александр Ким, Гулистон районидаги «Октябрь» колхозидан Ансар ва Жаббор Огалиевлар, Сирдарё районидаги «Ленинград» колхозидан Омонгелди Исаев, Боёвут районидаги Пушкин номли совхоздан Ризо Эмирсуюпов, «Боёвут» совхоз-техникумидан Қўчқор Хўжамқулов, Оқолтин районидаги «Фарғона» совхозидан Ҳазрат Пирматов, Султон Мўминов, Тошкентбой Абдужалилов, «Андижон» совхозидан Исмоил Турсунбоев, Барат Деҳқонбоев бошлиқ бригадалар ва бир қанча бошқа бригадалар ҳозирдаёқ ҳар гектар ердан 35—50 центнердан ҳосил олдилар.

Фан-техника тараққиёти ютуқлари пахтачиликка кенг жорий этилганлиги, терим техникасидан юксак самарали фойдаланилганлиги, пахтани ташиш, қабул қилиб олиш ва дастлабки қайта ишлашнинг аниқ пухта ташкил этилганлиги туфайли ҳосил тейёрлашнинг юксак суръатлари таъминланди.

«Фарғона» совхозидан Ҳазрат Пирматов, «Правда» совхозидан Минаввар Мирбобоева, «Гулистон» совхозидан Султон Қораҳонов, «Боёвут» совхозидан Абдусамат Саидмуродовлар механизаторларнинг социалистик мусобақасида, айниқса ибрат кўрсатиб, «зангори кема»лар бункерларидан 250—400 тоннадан пахта тўкдилар.

Шаҳарликлар, область студентлари, ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчилари ва Тошкент олий ўқув юртларининг студентлари пахта ҳосилини йиғиб-териб олишда катта ёрдам бердилар.

Область хўжаликлари давлатга сабзавот, полиз маҳсулотлари, мева, узум, пилла, дон, жун сотиш планларини ҳам муваффақиятли бажардилар. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг бошқа турларини тайёрлаш ҳам муваффақиятли равишда олиб борилмоқда.

КПСС Марказий Комитети 1980 йил октябрь Пленумининг қарорларидан илҳомланган область қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари етиштирилган бутун пахта ҳосилини йиғиб-териб олишни тезроқ тугаллаш, кузги-қишки тадбирлар комплексини амалга ошириш, чорва қишловини муваффақиятли ўтказиш ишларини аъв олдириш юзасидан ҳамма чораларни кўрмоқдалар.

«ОҚ ОЛТИН» ХИРМОНИГА

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 30 октябрга бўлган МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён (тайёрлашнинг умумий ҳажмига нисбатан процент ҳисобида); тўртинчи устун — бир кунда машинада терилган пахта; бешинчи устун — мавсум бошидан буён (мажбуриятга нисбатан процент ҳисобида).

ТОШКЕНТ	0,25	112,27	0,27	110,53
БУХОРО	0,36	112,07	0,43	84,95
САМАРҚАНД	1,14	110,14	1,53	94,87
ҚАШҚАДАРЁ	0,22	108,64	0,24	98,87
СУРХОНДАРЁ	0,40	106,58	0,45	97,25
ЖИЗЗАХ	0,42	105,41	0,08	109,41
СИРДАРЁ	0,65	104,46	0,35	104,79
ХОРАЗМ	0,87	102,69	1,22	99,28
ҚҚАССР	0,81	100,85	0,99	95,64
Фарғона	0,96	97,03	1,05	85,47
Андижон	1,13	95,27	1,10	76,01
Наманган	1,01	92,51	1,10	78,26
Республика бўйича:	0,67	102,37	0,75	96,09
Шу жумладан ингичка толали пахта				
Сурхондарё	0,81	97,44	1,14	85,51
Бухоро	1,60	93,46	2,58	65,93
Қашқадарё	0,39	88,75	0,57	68,18
Наманган	1,12	69,22	—	15,34
Республика бўйича:	0,77	93,81	1,05	76,54

РЕСПУБЛИКА МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ

ЗАФАРЛАРИМИЗ — ОКТЯБРЬ БАЙРАМИГА

Республика пахтакорлари 6 миллион тонналик марраға яқинлашмоқдалар. 30 октябргача давлатга 5.937.339 тонна «оқ олтин» топширилди. Бир кунда тайёрланган хом ашё 40 минг тоннани ташкил этди. Ингичка толали пахта хирмони 328 минг тоннадан ошди.

БАРЧА КУЧ ВА ИМКОНИЯТЛАРНИ ЙИҒИМ-ТЕРИМНИ ТЕЗРОҚ ЯКУНЛАШГА САФАРБАР ЭТАЙЛИК!

✦ Ленин районн пахтакорлари Андижон областида учинчи бўлиб йиллик планни адо этдилар.

Улар она-Ватанга қарийб 40 минг тонна «оқ олтин», шу жумладан, 10 минг тонна уруғлик пахта топширдилар.

✦ Қорақалпоғистон АССР Қораўзак районн меҳнаткашлари пахта тайёрлаш йиллик планини оширнб бажардилар.

Республика пахта хирмонига 15 минг тоннадан ортиқ хом ашё топширилди.

✦ Сурхондарё область Гагарин районн меҳнаткашлари давлатга ингичка толали пахта топшириш йиллик планини адо этдилар.

Эл хирмонига 39 минг тонна чпак пахта армуғон этилди.

✦ Фарғона областининг Киров, Бувайда ва Ленинград районлари социалистик мажбуриятни шараф билан бажаришди.

Ватан хирмонига кировликлар 69.590 тонна, бувайдаликлар 44.100 тонна, ленинградликлар 43.670 тонна «оқ олтин» топширишди.

✦ Ўзбекистон районн меҳнаткашлари йиллик планни бажаришди.

Улар давлатга 49.800 тонна хом ашё топширдилар. Унинг 25,5 минг тоннаси агрегат бункерларидан бўшатилди. Район пахтакорлари ялпи ҳосилни 55 минг тоннага етказишмоқчи.

✦ Қашқадарё область Қамаши районн меҳнаткашлари давлатга 42 минг тонна пахта топшириб, оширилган социалистик мажбуриятни ҳам адо этдилар.

✦ «Главсредазхровхозстрой» совхозларн йиллик топшириқни анча оширнб бажардилар. Давлатга пландагн 412,5 минг тонна ўрнига қарийб 460 минг тонна хом ашё топширилди. Машиналар ёрдамида 330 минг тоннадан зиёд пахта терилди.

ПАРТИЯНИНГ ИЛҲОМБАХШ СЎЗИ—ОММАГА

МАРКСЧА-ЛЕНИНЧА ТАЪЛИМ СИСТЕМАСИДА ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИ ОЛДИДАН

Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларнинг роли тобора ошиб бориши ривожланган социализмнинг энг муҳим қонуниятларидан биридир. Иқтисодий ва маданий қурилиш миқёслари кенгаяётганлиги ва чуқурлашаётганлиги, меҳнаткашларни коммунизмнинг моддий-техника базасини яратиш юзасидан партия белгилаб бераётган программаларни муваффақиятли амалга оширишга тўла сафарбар этиш заруриятини шуни тақозо этаётир.

«Ҳар бир кишини юксак ижтимоий мақсадларга интиладиган, ғоявий этиқодли, меҳнатга чинакам ижодий муносабатда бўладиган қилиб тарбиялаш, — деб таъкидлаган эди ўртоқ Л. И. Брежнев, — энг муҳим вазифаларнинг биридир. Коммунизм учун курашнинг жуда муҳим фронти мана шу йўлдан ўтади. Иқтисодий қурилишнинг бориши ҳам, мамлакатнинг социал сиёсий ривожланиши ҳам шу фронтдаги галабаларимизга тобора кўпроқ боғлиқ бўлаверади». Меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашда марксча-ленинча таълим системаси алоҳида ўрин тутади. Партия XXV съезди қарорлари, КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарорини бажариб, республика партия ташкилотлари коммунистлар ва партиясизларни марксча-ленинча назария билан қуроллантириш, ўқувнинг ўнинчи бешйиллик якунловчи босқичидаги амалий вазифалари билан алоқасини чуқурлаштириш юзасидан олиб борилаётган ишларни сезиларли активлаштирдилар.

Коммунистлар, кўп миллионли меҳнаткаш оммасининг партия заковати билан тарқиб топган ва давр синовларидан ўтган сиёсий ва иқтисодий таълими системаси эгилмасликка ва узвийлик касб этди. Айни вақтда ҳар бир ўқув йили ўзининг алоҳида, характерли хусусиятларига эга бўлиб, бу хусусиятлар партия ва халқ ҳал этаётган умумий сиёсий ва социал-иқтисодий вазифалар билан белгиланади. Ленин асарларини, марксизм-ленинизм классикларини китобларини, КПСС тарихи ва сиёсатини, ўртоқ Л. И. Брежнев асарларини янада чуқур ўрганишга тингловчиларни йўналтириш тўғри 1979—1980 ўқув йилининг энг муҳим хусусияти бўлди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети партия ўқувини ташкил этишни такомиллаштириш, пропагандистларни танлаш ва қайта тайёрлашга қаратилган бир қатор тадбирларни амалга оширди. Булар сиёсий ва иқтисодий билим мактабларини, семинарлар раҳбарларининг сифат составини яхшилашга, уларнинг назарий савияси ва методик маҳоратини оширишга хизмат қилди.

Сиёсий ва иқтисодий таълим системасида янги ўқув йили арафасида пропагандистларнинг республика, область, шаҳар ва район йиғилишлари, слётлари бўлиб ўтди. Уларда ўқув самарадорлигини ошириш вазифалари муҳокама қилинди.

Марксча-ленинча назария ва КПСС сиёсатини пропаганда қилиш соҳасидаги кўп йиллик самарали хизматлари учун 62 пропагандистга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвони берилди. 149 пропагандист Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

Сиёсий ва иқтисодий таълим системасида янги ўқув йили ўнинчи беш йиллигининг биринчи йилига бағишланиб, КПСС XXVI съезди, Ўзбекистон Компартияси XX съездига тайёргарлик ва бу съездларни ўтказиш мобайнида давом этади. Табиийки, бу ҳол КПСС — илғор коммунизм партияси тарихи, унинг назарий ва амалий фаолиятига қизиқишни беқиёс оширади. Шуни ҳисобга олиб; партия ва комсомол ўқуви иқтисодий таълим системаларида, коммунистик меҳнат мактабларида, халқ университетлари ва оммавий пропагандининг бошқа формалари машғулотларида 1980—1981 ўқув йили «Ленинчи Коммунистик партия — давримизнинг ақл-идроки, шон-шарафи ва виждони» мавзуини ўрганиш билан бошланади. Бу машғулотда КПСС XXVI съездига тайёргарлик билан боғлиқ бўлган, КПСС Марказий Комитетининг 1980 йил июнь ва октябрь Пленумлари қарорларидан келиб чиқадиган вазифаларни муфассал баён қилиб бериш, партиянинг революцион, руҳлантирувчи, сафарбар этувчи, жипслаштирувчи ва тарбияловчи улуғ кучини, унинг ривожланган социализм жамиятини қуриш, КПСС XXV съезди қарорларини амалга ошириш бўйича назарий ва амалий фаолиятини ёркин кўрсатиб бериш зарур.

Вақтли матбуотда КПСС Марказий Комитетининг 1980 йил октябрь Пленуми ҳужжатларини, унда ўртоқ Л. И. Брежнев сўзлаган нутқни, ўнинчи чақириқ СССР Олий Советининг тўртинчи сессияси материалларини ўрганиш бўйича намунавий план эълон қилинди.

Шундан кейин сиёсий билим мактаблари ва марксизм-ленинизм асослари мактабларининг тингловчилари ўзлари ўтган ўқув йилида ўрганишни бошлаган «В. И. Ленин биографияси», «КПСС ички ва ташқи сиёсати масалалари», «Дунёни ўзгартирувчи таълимот», «Фалсафа асослари», «Сиёсий иқтисод», «КПСС тарихи», «Илмий коммунизм», «Ривожланган социализм Конституцияси» курслари бўйича машғулотларни давом эттирадилар. Ўтган ўқув йилида у ёки бу курсни ўрганиш якунланган жойларда В. И. Ленинниг айрим асарларини, КПСС Марказий Комитетининг 1980 йил июнь ва октябрь Пленумлари ҳужжатларини, КПСС Марказий Комитетининг ижодий ташаббускорлигини янада ривожлантиришда бу курс муҳим роль ўйнайди. Илғор коллективларнинг КПСС Марказий Комитети ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети томонидан маъқулланган тажрибасини ўрганишга алоҳида эътибор бериш лозим.

Раҳбарлар ва бошқарувнинг турли босқичидаги мутахассислар «Раҳбарнинг меҳнати», «Социалистик жамиятда инженернинг меҳнати», «Маҳсулот сифатини комплекс бошқаришнинг илғор тажрибаси», «Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши самарадорлигини оширишнинг илғор тажрибаси», «Бригада пудрати — хўжалик ҳисоби формаси» ва бошқа курсларни ўрганишни давом эттириб, уни февралгача тугаллашлари керак. Бу темаларни тўла ўрганиб бўлган раҳбарлар ва мутахассислар «Хўжалик механизмини такомиллаштириш» курсини ўрганишни бошлашлари мақсадга мувофиқдир.

Комсомол сиёсий маорифи системасида ҳам биринчи машғулотдан кейин илғари ўрганилаётган курслар бўйича машғулотларни давом эттириш ва бу курсларни партия съездигача тугаллаш даркор. Илғари гавсия этилган темаларни ўрганиш якунланган жойларда февралгача марксча-ленинча назария ва партия сиёсатининг актуал масалалари, коммунистик ахлоқ, хўжалик механизмини такомиллаштириш, ривожланган социализм назарияси ва амалиёти, КПСС иқтисодий сиёсати, партия аграр назарияси ва сиёсати, КПССнинг идеологик иши темаларини ўрганишни давом эттириш ва уни КПСС XXVI съездигача якунлаш тавсия этилади. Область, шаҳар партия комитетларининг марксизм-ленинизм университетларида тингловчилар илғаригидек марксча-ленинча назария ва КПСС сиёсатининг актуал масалалари, фалсафа, сиёсий иқтисод, илмий коммунизм, партия тарихи, идеологик ишнинг назарияси ва методлари, шунингдек, хўжалик механизмини такомиллаштириш бўйича курсни ўрганадилар.

Иқтисодий таълим системаси олдида ҳам янги ўқув йилида ғоят муҳим вазифалар турибди. Ишчилар ва хизматчилар партия XXVI съездигача «Социализм ва меҳнат», «Ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини оширишнинг илғор тажрибаси» сингари курсларни ўрганишни бошлашган «В. И. Ленин биографияси», «КПСС ички ва ташқи сиёсати масалалари», «Дунёни ўзгартирувчи таълимот», «Фалсафа асослари», «Сиёсий иқтисод», «КПСС тарихи», «Илмий коммунизм», «Ривожланган социализм Конституцияси» курслари бўйича машғулотларни давом эттирадилар. Ўтган ўқув йилида у ёки бу курсни ўрганиш якунланган жойларда В. И. Ленинниг айрим асарларини, КПСС Марказий Комитетининг 1980 йил июнь ва октябрь Пленумлари ҳужжатларини, КПСС Марказий Комитетининг ижодий ташаббускорлигини янада ривожлантиришда бу курс муҳим роль ўйнайди. Илғор коллективларнинг КПСС Марказий Комитети ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети томонидан маъқулланган тажрибасини ўрганишга алоҳида эътибор бериш лозим.

Раҳбарлар ва бошқарувнинг турли босқичидаги мутахассислар «Раҳбарнинг меҳнати», «Социалистик жамиятда инженернинг меҳнати», «Маҳсулот сифатини комплекс бошқаришнинг илғор тажрибаси», «Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши самарадорлигини оширишнинг илғор тажрибаси», «Бригада пудрати — хўжалик ҳисоби формаси» ва бошқа курсларни ўрганишни давом эттириб, уни февралгача тугаллашлари керак. Бу темаларни тўла ўрганиб бўлган раҳбарлар ва мутахассислар «Хўжалик механизмини такомиллаштириш» курсини ўрганишни бошлашлари мақсадга мувофиқдир.

Комсомол сиёсий маорифи системасида ҳам биринчи машғулотдан кейин илғари ўрганилаётган курслар бўйича машғулотларни давом эттириш ва бу курсларни партия съездигача тугаллаш даркор. Илғари гавсия этилган темаларни ўрганиш якунланган жойларда февралгача марксча-ленинча назария ва партия сиёсатининг актуал масалалари, коммунистик ахлоқ, хўжалик механизмини такомиллаштириш, илғор тажриба сингари темалар бўйича машғулотлар ўтказиш мақбулдир.

Янги ўқув йилининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб, сиёсий ва иқтисодий таълим ташкилотчилари ўқув планларини илғари ўрганиш бошланган тема, курс ва проблемаларни ўрганишни КПСС XXVI съездигача якунлашни назарда тутган ҳолда тузишлари керак. 1981 йил мартидан ўқув йилининг охиригача партия ва комсомол сиёсий маорифи, иқтисодий таълим системалари, коммунистик меҳнат мактаблари, халқ университетлари ва оммавий пропагандининг бошқа формалари тингловчилари КПСС XXVI съезди, Ўзбекистон Компартияси XX съезди материалларини ўрганишни бошлайдилар.

Партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари, хўжалик органлари янги ўқув йилига тайёргарлик ва бутун ўқув йили мобайнида илғари тўпланган ижобий тажрибани мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга, ўқувни ташкил этишни такомиллаштиришга, унинг сифати ва самарадорлигини оширишга муттасил эътибор бериб боришлари керак. Бунинг учун, биринчидан, сиёсий билим мактаблари, семинарлар, партия активи мактаблари, марксизм-ленинизм университетлари, иқтисодий таълим системаси тингловчилар билан оқилона комплектлаштирилиши, иккинчидан, пропагандистлар сифат состави яхшланиши, уларнинг назарий ва методик тайёргарлиги муттасил ошириб борилиши, учинчидан, пропагандистлар фан ютуқлари, илғор тажриба, план ва социалистик мажбуриятларнинг бажарилиши тўғрисидаги ахборотлар билан узлуксиз таъминлаб турилиши керак.

Кўпгина партия ташкилотлари бу йил сиёсий маориф системасини комплектлаш, пропагандист кадрлар танлаш ва тайёрлаш ишларини ўтган йилларидагига қараганда анча барвақт тугалладилар. Чунончи, Тошкент, Андижон, Самарқанд, Фарғона областлари, Қорақалпоғистон АССРнинг кўпгина партия комитетлари янги ўқув йилига тайёргарлик юзасидан катта ишларни амалга оширмоқдалар. Бу жиҳатдан Тошкент ва Андижон область партия комитетларининг сиёсий маориф уйларида амалга оширилаётган тадбирлар диққатга сазовордир. Улар июнь, август ойларида икки ҳафталик табақалаштирилган курсларда машғулотларни уюшқоқлик билан, юқори ғоявий-сиёсий савияда ўтказдилар. Партия ўқуви системасининг жуда кўп пропагандистлари бу курслардаги машғулотларда ўзларининг назарий ва методик тайёргарликларини оширдилар.

Партия комитетлари иқтисодий билим, коммунистик меҳнат мактаблари, комсомол маорифи мактабларининг раҳбарларини тайёрлаш ва қайта тайёрлашда хўжалик, касаба союз ва комсомол органларига ёрдамни кучайтирмоқлари керак. Шу мақсадда хўжалик раҳбарларининг, инженер-техник ходимларнинг малакасини ошириш институтлари ва курслари, республика министрликлари ва идораларининг, йирик саноат корхоналарининг ўқув базаларидан янада кенгроқ фойдаланмоқ лозим. Бунда иқтисодий тараққиётнинг тармоқ жиҳатларини ҳисобга олиш керак.

Пропагандистларнинг билимини бутун ўқув йили мобайнида муттасил равишда тўлдириб боришда уларнинг доимий ҳаракатдаги шаҳар ва район семинарлари ғоят катта аҳамиятга эгадир.

Партия комитетлари, хўжалик органлари, иқтисодий таълим бўйича кенгашлар иқтисодий таълимнинг ўн биринчи беш йилликка мўлжалланган истиқбол планларини ишлаб чиқишлари зарур. Марксизм-ленинизм университетларида партия ўқуви системаси учун пропагандистлар, шунингдек, янги предметлар бўйича иқтисодий билим мактаблари раҳбарлари тайёрловчи бўлимларни анча кенгайтириш лозим бўлади.

Оммавий ахборот ва пропаганда воситалари — матбуот, телевидение ва радио янги ўқув йилида партия, ташкилотлари, пропагандист кадрларга ўз вақтида ёрдам кўрсатиб боришга даъват этилгандирлар. Марксча-ленинча назария ва КПСС сиёсатининг актуал масалалари бўйича малакали мақолалар ва эшиттиришлар, сиёсий ва иқтисодий таълим методикаси масалаларига бағишланган консультациялар машғулот раҳбарларига самарали ёрдам бериши шубҳасиз.

Сиёсий ўқув машғулотларининг ғоявий-назарий савияси ва таъсирчанлигини янада ошириш бу муҳим ишга партия раҳбарлиги даражасига, машғулотлар сифатини кун сайин назорат қилишни йўлга қўйишга кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Совет киши ғоявий, меҳнат ва маънавий тарбиянинг бирлиги туфайли тобора камол топмоқда. Ана шу бирликка эришиш марксча-ленинча ўқувнинг бош вазифаларидан биридир. Ленинча ғояларнинг сўнмас машъали билан қалбларни чароғон этиб, марксча-ленинча ўқув замондошларимизда революцион оптимизм ва бунёдкорлик руҳини қарор топтиришга, оммани коммунизм учун курашнинг янги чўққиларига отлантиришга хизмат қилиши лозим.

Улуғ Октябрнинг шонли 63 йиллиги арафасида КПСС Марказий Комитети Чақириғи жанговар шиор янглиғ жаранглamoқда:

— Идеология фронтининг ходимлари! Тарбия, информация ва пропаганда ишининг сифатини оширингиз!

Коммунистик ғоявийлик, ҳаётда актив позицияда туриш — ҳар бир совет кишисининг онгига сингдирилсин!

ОЛАМДА НИМА ГАП

ТИНЧЛИК УЧУН КУРАШДА БИР ЖОН-БИР ТАН БЎЛИБ

Совет — Эфиопия музокараларининг якунлари, Л. И. Брежнев билан Менгисту Хайле Мариам Кремлдаги сиёфатда сўзлаган нутқи халқаро миқёсда катта қизиқишга сабаб бўлди. Оммавий ахборот воситалари, сиёсат ва давлат арбоблари иккала мамлакатнинг ҳозирги замондаги актуал масалалари хусусидаги позицияларининг бир-бирига мувофиқ эканини, улар дунёнинг турли районларидаги вазиятга бир хил назар билан баҳо бераётганликларини қайд этмоқдалар.

Совет — Эфиопия дўстлик ва ҳар томонлама ҳамкорлик муносабатлари тобора кенг миқёс касб этмоқда. Бу муносабатлар икки йил муқаддам Москвада имзоланган дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномага пухта равишда асосланади ва иккала мамлакат халқларининг, давлатлар ўртасида тинчлик ва ҳамжиҳатлик ишининг манфаатларига мос бўлиб тушади, деб таъкидлайди Аддис-Абебада чиқадиган **«Эфиопиэн геральд»** газетаси. Иккала қардош халқ ўртасида муттасил мустаҳкамланиб бораётган алоқалар пролетар интернационализми ва тўла тенглик принциплари асосида қурилмоқда. СССР билан Эфиопия барча халқларининг тинчлиги, мустақиллиги ва миллий тараққиёти учун курашда бир жон-бир тан бўлиб ҳаракат қилмоқдалар, империалистларнинг зўравонлик, лўттибозлик ва интервенция сиёсатини кескин рад қилмоқдалар. Уларнинг апартеид, эски ва янги мустамлакачилик, ирқчиликка нисбатан принципиал позициясига БМТга аъзо бўлган кўпчилик мамлакатлар қўшилишмоқда.

Асосий халқаро проблемалар хусусидаги қарашларнинг мувофиқлиги, ялпи тинчликка, хавфсизлик ва социал тараққиётга интилиш — иккала мамлакат ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликнинг мустаҳкам алоқаларини янада кенгайтириш гаровидир, деб уқтиради пировардида «Эфиопиэн геральд» газетаси. — Менгисту Хайле Мариамнинг СССРга қилган расмий дўстлик визити якунлари самарали Совет — Эфиопия муносабатларининг ривожига янги катта ҳисса қўшишига шак-шубҳа йўқ.

Болгариядаги **«Работническо дело»** газетаси шуни эслатиб ўтадики, Л. И. Брежнев таъкидлаганидек, Совет Иттифоқи ақл-идрок ва холис ният тақозоси билан сиёсат юргизмоқда. Совет Иттифоқи беҳуда жазавага берилмайди ва доимо кескинликни юмшатиш ва тинчлик манфаатлари йўлида катъият билан ҳаракат қилишга тайёр. Ҳозир ва келгусида ҳам совет кишиларининг фаровонлигини ошириш, уларнинг моддий эҳтиёжларини ва маънавий талабларини тобора тўла-тўкис қондириш КПСС билан Совет давлатининг энг муҳим вазифаси бўлиб қолаверади, деб уқтиради газета, бу эса мутлақо муайян халқаро сиёсат ўтказишни: мамлакат учун тинч ташқи шароитларни яратиб беришни; яъни кескинликни юмшатиш, қуролсизланиш ва ҳамкорлик йўлидан боришни талаб қилади.

Нордания радиоси Л. И. Брежневнинг муҳим денгиз йўллари ўтадиган жойларда ҳарбий активлик даражасини пасайтириш ва чеклашга қилган даъватини Форс кўрфази районида тинчлик ва стабилликка қаратилган амалий қадам деб таърифлади. Радио шарҳчиси Совет Иттифоқининг ташаббуси ҳозирги вақтда айниқса муҳим эканлигини таъкидлаб, Л. И. Брежневнинг СССР кескинликни юмшатиш ва тинчлик манфаатлари йўлида жиддий куч-ғайрат сарфлашга ҳамиша тайёр эканлиги тўғрисидаги сўзларини эслатади.

Американинг **Ассошиэйтед Пресс** агентлиги шуни қайд этадики, Л. И. Брежнев Европадаги ядровий қуролланиш пойгасини чеклаш юзасидан Женевада Совет — Америка музокаралари бошланганлиги муносабати билан мамнуният ҳаҳон этди. Шу билан бирга, музокаралар якунлари Америка томонининг позициясига, Қўшма Штатлар СҚҲ-2 шартномасини ратификация қилишига кўп жиҳатдан боғлиқ эканлигига совет раҳбарининг ишончи комил, деб уқтиради агентлик. (ТАСС).

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

ПРАГА. Прагадаги «Ческе-Ледовнице» кемасозлик корхонасида «Ахтуба» земснарядни қуриб битказилди. Бу корхона тарихида шундай типдаги энг катта кемадир. Кема Волга дарёси ходимларига топширилади.

«Ахтуба» земснарядни қуриб битказилганига бағишланган митингда кемасозлар Чехословакия Компартиясининг XVI съезди шарафига шу йил планини 20 декабргача бажариш ва Совет Иттифоқи учун яна 4 та кема қуриб бериш мажбуриятини олдилар.

ХЕЛЬСИНКИ. Бу ерда Финляндия бинокор ишчилар касаба союзининг баёноти, эълон қилинди. Баёнотда шундай дейилади: қуролланиш пойгасининг янги босқичи тобора хавф тугдираётган ҳозирги пайтда тинчликни сақлаб қолиш ва уни мустаҳкамлаш бош вазифа бўлиб қолмоқда.

Мазкур касаба союз қуролсизланиш учун кураш ҳаракати ҳафталиги бошланганлиги муносабати билан қуйидагиларни ёзади: «Тинчлик учун кураш фақат ҳукуматларнигина иши бўлиб қолмаслиги лозим, бу курашда аҳолининг энг кенг қатламлари иштирок этиши керак».

АДДИС-АБЕБА. Сомалидан Эфиопия территориясига юборилган 39 нафар диверсиячи Эфиопия революцион армияси жангчилари ва халқ милицияси аъзолари томонидан қўлга олинди. Эфиопия янгиликлар агентлигининг Харарге вилоятидаги Дире-Дауа шаҳридан берган хабарида айтилишича, босмачи шайкалар Сомалидаги «Абдулқодир» ҳарбий лагерида махсус тайёргарликдан ўтганликларига ва Эфиопия территориясига қўпорувчилик ишларини амалга оширкш мақсадида суқулиб кирганликларига иқрор бўлдилар.

СИНГАПУР. Сингапур аэропортида юзлаб пассажирлар, тонналаб юклар тўпланиб қолди. Жанубий-Шарқий Осиёдаги энг йирик юк ўтказиш пунктларидан бирида «Сингапур эйрлайнз» авиакомпаниясининг учувчилари забастовка ўтказаётганлиги туфайли иш тўхтаб қолди: бу авиакомпания Америка, Европа ва Австралияга қилинадиган олис рейсларга хизмат кўрсатади. Иш ташловчилар маъмуриятдан иш ҳақининг оширилишини ва меҳнат шароитлари яхшиланишини талаб этмоқда.

ТОКИО. Бундан буён Япония йўлларида одатдаги 300000 ўрнига ярим миллион полициячи соқчилик қилади. Мамлакат бош полиция бошқармаси раҳбарлиги йўл-транспорт ҳодисаларини камайтириш мақсадида ана шундай тадбир белгиланди. Бу йил мамлакат йўлларида ҳалок бўлган кишилар сони 7000 нафардан ошди.

СОЛСБЕРИ. Зимбабве полициясининг барча хизматчилари қайта тайёргарлик курсларидан ўтишлари ва ўз вазифаларини янги жамият қуриш сиёсий йўлига мувофиқ адо этишлари керак. Зимбабве ички ишлар министрининг ўринбосари Т. Знямби бу ерда ана шуни маълум қилди. У айтдики, полициячиларнинг анчагина қисми эски режимлар шароитида тайёргарликдан ўтган. Маълумки, эски режимлар меҳнаткашларга қарши куч ишлатишга асосланган эди. Уз ишини қайта қуришни истамайдиган кишилар Зимбабве полициясн сафларидан бўшатилади, деди Т. Знямби. (ТАСС).

БОСМАЧИЛАР МАКОНИДА НИЗО

ЮПИ агентлиги мухбирининг Исломободдан берган хабаридан маълум бўлишича, Покистонда ўрнашиб олган афғон аксилинқилобчи муртадларнинг бир-бирига душман гуруҳлари ўртасида низо кучайиб кетди. Кейинги ой ичида улар ўртасида қуролли тўқнашувлар тез-тез содир бўлиб турибди. Мухбирнинг гувоҳлик беришича, ҳозирда шундай тўқнашувларнинг бирида энг катта аксилинқилобчи ташкилот бошлиғининг ўғли ўлдирилган.

Афғонистондан қочиб кетган босмачиларнинг кирдикорлари Покистон аҳолисининг норозилигига сабаб бўлмоқда. «Афғон қочоқлари» деб аталмиш қочоқларнинг лагерлари жойлашган районларнинг аҳолиси айниқса даргазаб бўлмоқда. Ана шу лагерлар АДР территориясига ҳужумлар қилаётган босмачи тўдаларни тайёрлаш марказлари бўлиб қолган. Афғон босмачилари покистонликларнинг кўз ўнгида қароқчилик қилиб контрабанда, чайқовчилик ва бошқа жиноий бизнес билан шуғулланмоқдалар.

АП агентлиги мухбирининг хабар қилишича, Покистон полицияси бир группа босмачиларни қамоққа олишга мажбур бўлди. Босмачилар Саудия Арабистони қиролининг Лохурдаги қароргоҳини талаган эдилар. Қирол Покистонга лочин овига келганида ана шу ерда тўхтаб ўтади. Кирқдан зиёд киши қўлга олинди. АДР билан чегарадош бир қанча районларда афғон аксилинқилобчи отрядлари билан маҳаллий аҳоли ўртасида қуролли тўқнашувлар бўлиб ўтди. Маҳаллий аҳоли ўз манфаатларини ўзи қимоя қилишга мажбур бўлмоқда, чунки Покистоннинг ҳозирги ҳарбий маъмурияти кўпинча босмачиларга йўл қўйиб бермоқда. (ТАСС).

ҚЎРМАТ ТАХТАСИ

Пахта тайёрлаш планини муддатидан илгари бажарганликлари учун қуйидаги районлар республика «Ҳурмат тахтаси»га ёзилсин:

Ульянов район — район партия комитетининг секретари ўртоқ Умиров, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Баҳромов, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Суннатов, сельхозтехника район бирлашмасининг бошқарувчиси ўртоқ Ғазиев, район суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Бердиев, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ Турсунов, қишлоқ хўжалиги ходимлари касаба союзи район комитетининг раиси ўртоқ Ғозиев;

Зарбдор район — район партия комитетининг секретари ўртоқ Умурзоқов, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Холиқулов, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Сагиров, сельхозтехника район бирлашмасининг бошқарувчиси ўртоқ Жўраев, район суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Тўланов, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ Тошбеков, қишлоқ хўжалиги ходимлари касаба союзи район комитетининг раиси ўртоқ Мардонов;

Ленинобод район — район партия комитетининг секретари ўртоқ Қурбонов, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Полвонниёзов, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Қаноатов, сельхозтехника район бирлашмасининг бошқарувчиси ўртоқ Ҳайтакеев, сельхозтехника район бирлашмасининг бошқарувчиси ўртоқ Матниёзов, район суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Примбетов, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ Реймбетов, қишлоқ хўжалиги ходимлари касаба союзи район комитетининг раиси ўртоқ Сметуллаев;

Қоғаўзак район — район партия комитетининг секретари ўртоқ Қониёзов, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Сирожиддинов, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Давлатмуротов, сельхозтехника район бирлашмасининг бошқарувчиси ўртоқ Пирназаров, район суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Жубанов, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ Отепбергенов, қишлоқ хўжалиги ходимлари касаба союзи район комитетининг раиси ўртоқ Татов;

Пайариқ район — район партия комитетининг секретари ўртоқ Сайдиев, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Омонбоев, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Ҳолдоров, сельхозтехника район бирлашмасининг бошқарувчиси ўртоқ Собиров, район суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Мамажонов, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ Қурбонов, қишлоқ хўжалиги ходимлари касаба союзи район комитетининг раиси ўртоқ Ҳасанов;

Бағдод район — район партия комитетининг секретари ўртоқ Назиров, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Тоҳиров, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Аҳмадқулов, сельхозтехника район бирлашмасининг бошқарувчиси ўртоқ Тожибоев, район суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Ҳамидов, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ Юсупова, қишлоқ хўжалиги ходимлари касаба союзи район комитетининг раиси ўртоқ Турсунов.

МЕҲНАТ РАПОРТИ

Қашқадарё областидаги саноат корхоналарининг коллективлари КПСС XXV съезди тарихий қарорларини амалга ошира бориб, партия XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун ўтказилаётган социалистик мусобақани кенг авж олдириб, саноат маҳсулотн ишлаб чиқариш ва реализация қилиш ўн ойлик планини муддатидан илгари бажардилар.

Ой охиригача пландан ташқари ўн миллион сўмликдан кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқариладн ва реализация қилинади. (ЎзТАГ).

ҚИШЛОҚДА СТОМАТОЛОГИЯ ПОЛИКЛИНИКАСИ

Қадимий Қуванинг архитектура ансамблига яна бир икки қаватли бино қўшилди. Бу қишлоқ стоматология поликлиникасидир. Поликлиника бир кунда 400 беморни қабул қилишга мўлжалланган.

Янги даволаш муассасасида хирургия, терапия, ортопедия ва болалар бўлими, рентген кабинети, тиш протези лабораторияси бор. Улуғ Ватан уруши инвалидлари ва қатнашчиларини қабул қилиш учун махсус кабинетлар ажратилган. Поликлиника мукаммал диагностика ва даволаш аппаратлари билан жиҳозланган.

(ЎзТАГ).

КЕСКИНЛИКНИ КУЧАЙТИРМОҚДАЛАР

ВАШИНГТОН. (ТАСС). Қўшма Штатлар Форс кўрфазидаги мамлакатларга ҳарбий куч ёрдамида ҳамон қўпол тазйиқ ўтказмоқда, дўқ-пўписа қилмоқда ва шу региондаги бўлиқсиз ҳам кескин аҳволни кучайтирмоқда.

Пентагон вакилининг хабар қилишича, Американинг Уммон кўрфазидаги ҳарбий денгиз кемалари қаторига вертолёт ташувчи «Сайпан» кемаси етакчилигидаги АҚШ 6-флоти составидан яна учта десант кема қўшилади. Шундай қилиб, Форс кўрфазига бевосита яқин жойлаштирилган Американинг ҳарбий кемалари 34 тага етади, булар орасида 170 та самолётни ортиб олган «Эйзенхауэр» ва «Мидуэй» икки зарбдор авианосеци ҳам бор. АҚШнинг ҳарбий блокларди иттифоқчилари — Англия, Австралия ва Францияннинг ҳарбий кемалари ҳам худди шу районда сузиб юрибди. АҚШ ва унинг иттифоқчилари ҳарбий кемаларининг умумий миқдори 60 тадан ошиб кетди.

Хабардор «Ю. С. Ньюс энд уорлд рипорт» ҳафталик журналининг ёзишича, АҚШ ядро қуролини кўлланиш билан дўқ қилиб, Форс кўрфази районида қуролли интервенция эҳтимолини кўзда тутувчи янги стратегияни амалга оширишга киришган. АҚШ ҳозирдаёқ бу ерда ўзининг қуролли кучларини, шу жумладан жанговар самолётларини, шунингдек АВАКС жосус самолётларини тўплаб қўйди. «Ф-15» ва «Ф-16» самолётлари эскадрильялари, деб уқтиради журнал, Яқин Шарқдаги эҳтимол тутилган ҳаракатларга АҚШ территориясида чўл шароитларида тайёргарликдан ўтмоқда. 18 самолётдан иборат биринчи эскадрилья бўйруқ олинганидан кейин 48 соат ичида Саудия Арабистонига келиб қўниши мумкин. Бундан ташқари Форс кўрфази районида ҳарбий ҳаракатлар бўлиб қолган тақдирда ичида ядро қуроли элта оладиган кўп миқдордаги «В-52» стратегик бомбардимончи самолётлари ажратиб қўйилган. Ҳафталикнинг сўзларига кўра, Шимолий Каролина штатидаги Форт-Брагг авиабазасида 82-ҳаво-десант дивизиясининг 700 парашютчиси «белгиланган районга» жўнатишларини кутиб доимий жанговар шай ҳолда турибдилар. Ҳозирдаёқ Ҳинд океанида «тез ҳаракат қилувчи кучларининг олдинги марраларда жойлаштириладиган еттита ҳарбий транспорт кемаси кезиб юрибди. Бу кемаларнинг ичида 12 минг кишидан иборат денгиз пиёда аскарлари бригадасининг ҳаракатларини икки ҳафта мобайнида таъминлаш учун етарли бўлган қурол-яроғлар ва озиқ-овқатлар бор.

«Тез ҳаракат қилувчи кучлар» қўмондони денгиз пиёдалари генерал-лейтенанти П. Келли «Вашингтон пост» газетасининг мухбири билан суҳбатда мақтаниб мен Форс кўрфази районида ҳарбий операцияларр ўтказиш соҳасида АҚШнинг имкониятларига «умидбахшлик» билан баҳо бераман, деди. «Ҳеч бир ташвишланадиган жойи йўқ» — деди у. 82-ҳаво-десант дивизияси икки ҳафта ичида Форс кўрфази районида жойлаштирилиши мумкин».

Пентагоннинг юқори лавозимдаги бошқа бир вакили, АҚШ қуролли кучлари тайёрлиги қўшинларининг қўмондони генерал В. Уорнер худди шу газетанинг мухбири билан суҳбатда бундай деди: «Ормуз бўғозига ҳаво тушириб қолган ёки бошқа бирон-бир жиддий иш чиқиб қолган тақдирда мен бу операциянн биринчи бўлиб бошлар эдим. Мен буни кейинроқ эмас, балки ҳозир қилиш керак, деган фикрга кўпроқ келмоқдаман».

Шу муносабат билан «Вашингтон пост» газетаси қайд этадики, кейинги вақтларда АҚШ мудофаа министри Г. Браун «ҳозирги вақтда Америка ҳарбийлари Форс кўрфазида илгариги ҳукуматлар вақтидагига қараганда кўп иш қилмоқдалар ва шундай иш қила оладилар, деб тез-тез таъкидлайдиган бўлиб қолди».

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ШАРАФИГА

СИРДАРЁ ТУҲФАСИ

ОБЛАСТЬ ЗАРШУНОСЛАРИ ВАТАНГА 410 МИНГ ТОННА ПАХТА ЕТКАЗИБ БЕРИБ, СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТНИ БАЖАРДИЛАР

Серқуёш республикамизнинг барча жойларида бўлаётгани каби қўриқ областимизнинг барча меҳнат коллективларида ўнинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли ҳал этиб, йилни зафарли якунлаш, жонажон Коммунистик партиямизнинг бўлажак XXVI съезди шарафига бошланган мусобақани янада авж олдириб, она-Ватанни янгидан-янги меҳнат ғалабалари билан хушнуд этиш йўлида қизғин кураш олиб борилмоқда. Ана шундай қизғин ва масъулиятли дамларда областимизнинг азамат деҳқонлари ва ғайратли механизаторлари, бутун дала меҳнаткашлари катта ғалабани қўлга киритдилар. КПССнинг тарихий XXV съезди, КПСС Марказий Комитетининг Пленумларининг қарорларини амалга ошириш учун кураш-шаётган ҳамда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев кўрсатмаларини ва йўл-йўриқларига амал қилиб келаётган областимиз фидокорлари она-Ватанга 410 минг тоннадан зиёд пахта ҳосили етказиб бериб, ўз зиммаларига олган юксак мажбуриятларини ҳам шараф билан адо этдилар. Бу — областимиз деҳқонлари учун муваффақиятли келган 1977 йилдаги натижалардан ҳам деярли 60 минг тонна кўп, демакдир.

Ўнинчи беш йилликнинг дастлабки йили ҳисобланган 1975 йилда жами 139,9 минг гектар ерда пахта етиштирилиб, гектар бошига ўрта ҳисобда 22,8 центнердан ҳосил олинган эди. Беш йилликнинг охирига келиб эса «оқ олтин» етиштириладиган майдонларимиз 160 минг гектарга етди. Гектар бошига эса салкам 26 центнердан хирмон кўтармоқдамиз. Мирзачўл ерлари шароитида бу сезиларли ғалабадир, албатта.

Пахтачиликни комплекс механизациялаш, деҳқончилик маданиятини юксалтириш борасида областимиз районлари, хўжаликларида кўпгина ибратли ишлар амалга оширилди ва оширилмоқда. Натижада деҳқонларимизнинг қўл меҳнати енгиллашмоқда, ҳосил хирмонининг салмоғи ошмоқда, етиштирилаётган хом ашёнинг сифати яхшиланмоқда. Бу борада Ильич, Оқолтин, Боёвут районларида олиб борилаётган ишлар, айниқса, диққатга сазовордир.

Қўриқ Ильич районининг пахтакорлари, механизаторлари, барча дала меҳнаткашлари бу йил чинакамига уюшқоқлик, тадбиркорлик ҳамда ҳосил тақдири учун жонкуярлик намуналарини кўрсатдилар. Ёғни дала ишлари айни кизиган паллага минган, гўза парвариши қизғин давом этаётган дамларда Оқолтин ва Ильич районларимизнинг хизматлари, айниқса, каттадир.

Йиғим-терим мавсумининг муваффақиятини таъминлашда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва республика Министрлар Советининг Мурожаати, айниқса, муҳим роль ўйнади. Бу ҳужжат областимизнинг барча меҳнат коллективлари, бўлимлар, бригадаларда, механизаторлар ҳамда теримчилар ўртасида ишлаб чиқилиб, конкрет вазифалар белгиланди. Бу тадбирларнинг ҳаммаси ғалаба манзилини яқинлаштиришга, ишимизнинг муваффақиятини таъминлашга катта ёрдам берди.

Қўриқ Сирдарё областининг пахтакорлари, барча дала меҳнаткашлари бугунги шодиёна кунларда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, пахтакорларнинг энг яқин дўсти, қадрдони ва маслаҳатчиси Шароф Рашидович Рашидовга ўзларининг чексиз миннатдорчиликларини изҳор этадилар. У киши областимиз далаларида бир неча бор бўлиб, ўзларининг қимматли маслаҳатлари, йўл-йўриқлари билан пахтакорларимизга, айниқса, катта ёрдам бердилар, областимиз меҳнат аҳлининг кучига куч, ғайратига ғайрат қўшдилар.

Бугунги кунда ўзларининг қимматли маслаҳатлари билан ишимизнинг ривожига катта ҳисса қўшган мусобақадош Фарғона области ҳамда қардош республикалар пахтакорларига самимий миннатдорчилигимизни изҳор этамиз.

Бу йилги йиғим-терим мавсумининг якунловчи босқичи мураккаб шароитларда олиб борилди. Ана шундай масъулиятли дамларда пойтахт Тошкент шаҳрининг 30 мингдан ортиқ студентлари катта ёрдам бердилар. Шунингдек, якунловчи йил хирмонига областимиз Гулистон, Янгиер, Ширин, Сирдарё шаҳарларининг меҳнаткашлари, кўп сонли ўқувчи ёшларимиз, студентларимиз, айниқса, баракали ҳисса қўшдилар. Ўларга бугун область деҳқонлари, меҳнаткашларининг қалб ташаккурини билдирамиз.

Областимизда пахтачилик билан бир қаторда дон, сабзавот ва полиз, ҳўл мева, узум, гўшт, сут, жун ҳамда пилла етиштириш бўйича йиллик планлар, шунингдек, ўнинчи беш йиллик топшириқлари ҳам оширib адо этилди. Ҳозирги кунларда областимизнинг барча меҳнат коллективларида КПССнинг бўлажак XXVI съезди шарафига бошланган ўзаро социалистик мусобақа қизғин олиб борилмоқда. Дала меҳнаткашлари эса етиштирилган ҳосилнинг бир мисқолини ҳам ерда қолдирмай йиғиштириб олиб, давлатга топшириш ва келгуси йилнинг мўл ҳосили учун пухта замин ҳозирлаш йўлида жонбозлик қилмоқдалар. Биз ўнинчи беш йилликни улкан зафарлар билан якунлаб, КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съездини ёруғ юз билан кутиб олиш учун бор имкониятларимизни ишга соламиз.

И. ҚУЧҚОРОВ,
халқ депутатлари Сирдарё области Совети ижроия комитетининг раиси.



«Коммунизм» колхози пахтакорлари Комсомол районида биринчилардан бўлиб ғалаба манзилига етиб келдилар. Бунда механик-ҳайдовчиларнинг ҳиссаси катта бўлди. Суратда: (ўнгдан чапга) колхоз раиси, Ленин мукофоти лауреати Жавод Кўчиев ва юқори ҳосилли бригада бошлиғи Аҳмад Мамедов бункерлардан тўкилган пахта сифатини кўздан кечиришяпти.



Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтининг тўртинчи курс студенти Раъно Асомова кўплар қаторн Ильич районидаги «Октябрь 60 йиллиги» совхози далаларида машинада кўп ва тоза пахта териб, эл хирмонига муносиб улуш қўшди. Суратда: Р. Асомовани кўриб турибсиз.

Р. Жаъфаров фотолари.



Ильич районидаги Волков номли совхоз механизаторлари кўп кунлардан буён оширилган социалистик мажбурият ҳисобига пахта топширишга ҳам ўзларининг ҳиссаларини қўшдилар. Суратда: (чапдан) совхоз бош агрономи Шодибек Йўлдошев билан илғор механизатор Ҳасан Кушаров ўртоқлар.

А. Тўраев фотоси.

БИЗНИНГ ТАЯНЧИМИЗ

Районимиз ҳозирга қадар давлатга 60 минг тоннадан зиёд пахта топширди. Ғанимат кунларнинг қадрига етиб, республика партия ва ҳукуматининг Мурожаатига амалий иш билан жавоб бераётган районимиз шавкатли механизатор, пахтакор ва кўпминг килограммчи теримчилар суръат отига тобора қамчи босмоқдалар. Йиғим-теримни илғорлар тажрибаси асосида ташкил этган бир қатор хўжаликлар дастлабки маррани эгаллаб, ҳозир мажбурият ҳисобига пахта топширомоқдалар, чўл шароитида рекорд ҳосил етиштириш мумкинлигини амалда кўрсатмоқдалар.

Бизнинг «Боёвут» совхоз-техникумимиз ҳам райондаги энг сертармоқ пешқадам хўжаликлардан саналади. Хўжалигимиз механизаторлари машиналар кучидан оқилона фойдаланиб, йиллик пахта тайёрлаш планини қисқа муддатларда бажарилишини таъминладилар. Совхоз дастлабки довондан ошиб, она-Ватанга 20 минг тоннадан зиёд пахта ҳосили етказиб берди. Ҳозиргача ҳар гектар майдондан терib олинган пахта 32 центнердан ошиб кетди. Айниқса, бу йил механизаторларимиз далаларда сабот-матонат билан меҳнат қилдилар, техниканинг кучи нималарга қодирлигини яна бир бор намойиш этдилар. Қабул пунктларига топширилган пахтанинг 90 проценти «зангори кемалар бункерларидан агдарилди. Ҳар бир машина ҳисобига 100 тоннадан ҳосил терилди. К. Жуманов, Қ. Абдураззоқов, У. Даврончев, Ҳ. Мисиров, Р. Маъмуров каби дала гвардиячиларимиз «зангори кема» бункерларидан эл хирмонига 150—200 тоннадан дурдона бўшатдилар.

Областимизнинг 410 минг тонналик хирмони дадил кўкка бўй чўзишида бригадамиз пахтакорларининг ҳам салмоқли ҳиссаси бор. Мен қарийб ўттиз йилдан буён механизаторлик касбини шарафлаб келяпман. Ун йилдан бери эса комплекс механизациялашган пахтачилик бригадасига бошчилик қилиб келяпман. Биз ер мелиоратив ҳолатини яхшилаб, алмашлаб экиш картограммасига қатъий амал қилаётганлигимиз, техниканинг фойдали иш коэффициентини ошириб бораётганлигимиз сабабли ҳар йили зиммага олган план-топшириқларни ёруғ юз билан уддалаб келяпмиз. Бригадамизда укам, ўғил ва қизларим меҳнат қилишади. Шунинг учун кичик коллективимизни оилавий бригада деса ҳам бўлади. Съезддан съездгача ўтган даврда яъни ўнинчи беш йилликда давлатга биз 3 минг тонна «оқ олтин» тортиқ этибмиз. Меҳнат фаоллиятим давомида йиғирмадан ортиқ шогирд—механизаторга мураббийлик қилдим.

Беш йилликнинг якунловчи йили ҳам бригадамиз пахтакорлари учун зафарлар йили бўлди. Бу йил дастлаб она-Ватанга мавжуд 94 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 40 центнердан сара жавоҳир топшириш мажбуриятини олган эдик. Бу марра эгалланди. Ҳар гектар пахта майдонидан 42 центнердан ҳосил йиғиштириб олдик. Эл хирмонига тортиқ этилган пахтанинг ҳаммасини тўрт қаторли «Ўзбекистон» машинасида ўзим териб олдим. Шу кунгача областимиз хирмонига машинам бункеридан тўккан пахтам 250 тоннадан ошиб кетди.

Ҳали далаларимизда ҳосил мўл. Ўз имкониятларимизни қайта кўриб чиқиб, бу йил ҳосилдорликни 50 центнерга етказишга азму қарор қилдик. Ҳозир шу ниятда йиғим-терим суръатини асло бўшаштирмаяпмиз. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 63 йиллиги кунигача қўшимча мажбуриятимизни ҳам бажарамиз.

Абдусамад САИДМУРОДОВ,
Боёвут районидаги «Боёвут» совхоз-техникуми комплекс механизациялашган бригадаси бошлиғи, СССР Давлат мукофотининг лауреати.

ҲАМИША ОЛДИНГИ САФДА

Областимиз пахта тайёрлаш юзасидан 1980 йил учун қабул қилинган юксак социалистик мажбуриятини шараф билан бажарди. Бундай катта ғалабага давлатимизнинг ёрдами, халқимизнинг фидокорона меҳнати билан эришилди. Эндиликда областимиз пахтачиликни комплекс механизациялашнинг тажриба мактабига айланди.

Бизнинг колхозимиз ҳам пахта плани ва социалистик мажбуриятини муддатидан илгари оширib бажарди. Якунловчи йилнинг ўзига хос қусусиятларидан бири шуки, етиштирилган ҳосилнинг асосий қисми «зангори кемалар»да териб олинди, пахтанинг ҳаммаси биринчи сортларга топширилди. Бу эса колхозимизнинг умумий, колхозчи-деҳқончиларимизнинг шахсий даромадларини кўпайтиришда ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Мен бошчилик қилаётган бригада аъзолари ҳар гектар ердан салкам 50 центнердан «оқ олтин» хирмони кўтардилар, аъзамат механизаторларимиз 95 процентдан кўпроқ пахтани машиналарда терdилар. Бу йилнинг тажрибаси шуни кўрсатдики, бундан кейин ҳам теримни юз процент машиналаштириш йўлидан боришимиз керак.

Областимиз, районимиз, колхозимиз бўйича давлатга пахта сотиш план ва мажбуриятлари бажарилгани бўлса ҳам ҳали далаларимизда пахта кўп. Уни ҳалол меҳнат билан етиштирганмиз, бир граммининг нобуд бўлишига йўл қўймаймиз. Теримни конвейер усулида олиб боряпмиз. Ҳосилни тўла йиғиштириб олинган карталарнинг ғўзапояси йиғиштириб олиниб, шудгорланяпти, айни кезда минерал ва органик ўғитлар билан ўғитланиб, келаси йил мўл ҳосилига пухта замин яратилаяпти.

Улкан меҳнат ғалабангиз муборак бўлсин, азамат қўриқ области пахтакорлари!

Жаббор ОҒАЛИЕВ,
Гулистон районидаги «Октябрь» колхози комплекс-механизациялашган пахтачилик бригадаси бошлиғи.

МУНОСИБ ҲИССА

Қўриқ районимиз пахтакорлари бу йил ҳам катта меҳнат ғалабасини қўлга киритдилар. Биз районимизнинг қатта хирмонига салмоқли ҳисса қўша олганимиздан мамнунмиз.

Биз йиғим-теримга пухта тайёргарлик кўрдик. Натижада, ўн тўрт иш кунида марра эгалланди. Ана шу қисқа давр мобайнида 14200 тоннадан ортиқ пахта ҳосили йиғиб-териб олиниб, давлат омборига топширилди. Орадан кўп ўтмай зиммага олинган юксак мажбуриятни ҳам ортиғи билан адо этишга муваффақ бўлдик. Шу кунга қадар Ватан хирмонига тўккан пахтамиз 17 минг тоннадан ошиб кетди.

Қўриқ ерларда деҳқончилик қилиб, ҳосилдорликни гектар бошига деярли 31 центнерданга етказиб қўйдик. Бу — лафзи ҳалол, фидокор деҳқонларимиз, аъзамат механизаторларимиз, совхозимизнинг бутун меҳнат аҳли томонидан қилинган қаҳрамонона ишлар самарасидир. Кўпгина бўлимлар, бригадаларимиз борки, улар йил сайин ерларининг унумдорлигини оширишга қувонарли ютуқларни қўлга киритиб келмоқдалар. Жумладан, Жониқул Пирматов, Солижон Мирзаев,. Абдураҳим Ўринов ўртоқлар бошқарувчилик қилишаётган бўлимларда ҳосилдорлик 33—37 центнерданга тўғри келди. Холиқул Пирматов, Раҳматилла Умаров, Раҳим Бойжуматов, Валижон Номозов сингари тажрибали деҳқонлар бош бўлган бригадаларимизда эса 40—45 центнердан ошириб хирмон кўтарилди.

Бугунги шодиёна кунларида биз Хазрат Пирматов, Мўмин Султонов каби механизаторларимизнинг номларини алоҳида ҳурмат билан тилга оламиз. Улар бу йилги мавсумда 350—400 тоннадан пахта териб, бошқаларга намуна кўрсатишди. Шунингдек, Тожиддин Саидазизов, Олим Каримов каби кўпгина механик-ҳайдовчиларимиз ҳам 200 тоннадан ошириб «оқ олтин» териб олишга эришдилар.

Хўжалигимиз далаларида ҳозирги кунларда пахта йиғим-терими қизғин давом этмоқда. Бизнинг галдаги мақсадимиз — 20 минг тонналик маррани эгаллашдир.

С. СИДДИҚОВ,
Оқолтин районидаги «Фарғона» совхозининг директори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

Ҳ. БАҲРИЕВ,
совхоз партия комитетининг секретари.

САКТАЛАР... ВАКАЛАР...

◆ Область пахтакорлари она-Ватанга 410 минг тоннадан зиёд «оқ олтин» армуғон этиб, социалистик мажбуриятларини шараф билан бажардилар.

◆ Ялпи ҳосилнинг 80 проценти «зангори кемалар бункеридан тўкилди.

◆ Областда 1975 йилда ҳар гектар пахта майдонидан 22,8 центнердан ҳосил олинган бўлса, бу йил ҳосилдорлик 26 центнерни ташкил этди.

◆ Сабзаваткорлар эл дастурхонига 42.491 тонна сабзавот маҳсулотлари топширib, йиллик планни ошириб бажардилар.

◆ Боғбон-соҳибкорлар 9.767 тонна ҳўл мева, 9.274 тонна узум тайёрлаб, бу соҳадаги йиллик планларини ортиғи билан удаладилар.

◆ Полизчилар қовун-тарвуздан мўл ҳосил етиштириб, мамлакатимиз саноат марказлари ишчи-хизматчилари, БАМ қурувчилари ва бошқа шаҳарларга 127.500 тонна маҳсулот жўнатдилар. Бу планда кўзда тутилганидан салкам 20 минг тонна кўпдир.

СИР БЎЙИ ЛОЧИНЛАРИ

Колхоз раиси Қодирқул Хотамов эрталаб идора олдида 9-бригада бошлиғи Нурқул Аликуловни учратиб қолди.

— Ҳа, йўл бўлсин? — сўради раис ундан.

— Иссиқ овқат ташишда юрибман, — жавоб қилди бригадир.

— Кечқурун борсак йўқ экансиз?

— Ўша ерда эдим, раис. Овозингизни эшитгандай бўлдим-у, лекин англай олмадим. Тележка устида хиёл кўзим илиниб қолган экан. Ворохларни туни билан тиндирганимиз йўқ.

Қодирқул ака бригадирнинг толиққан, сersоқол юзлари, уйқусизликдан қизариб, киртайиб қолган кўзларига назар солиб жилмайди-да, синовчан оҳангда сўради:

— Бугун табриклаймизми?

— Кечқурун-да, раис бува...

Қодирқул ака майли, бораверинг, дегандай қўл узатди. Шошилиб турган бригадир самимият билан раиснинг қўлини қисди-ю, йўлга отланди. Сўнг раис бизга қараб деди:

— Кечаси бригадасига боргандик. Одамларининг шаштлари баланд эди. Мана, бугун планини бажарди. Яна битта бригадамиз маррадан ошмоқда, — дея енгил тортиб, қалдини тиклаб қўйди.

Биз идорага кирдик. Қодирқул Хотамов бу йил колхозда йиллик пахта тайёрлаш планини биринчи бўлиб адо этган Раҳмонқул Жабборов бригадасида эришилган ютуқлар ҳақида сўз юритди. Раиснинг ҳикоясини тинглар эканмиз, беихтиёр баҳордаги ана шу бригада даласидаги учрашувлар ёдга тушди. Май ойининг сўнгги кунлари эди ўшанда. Яганани тугаллаб, дастлабки чопиқни сифатли қилиб ўтказиб олишга қизғин тайёргарлик кўрилаётган пайтлар эди. Колхоз правлениеси ва партия ташкилотининг қарорига биноан барча бригада бошлиқлари, механизаторлар 5-бригаданинг катта йўл ёқасидаги пайкалига тўпланишди. Бу йирик пайкалдаги барқ уриб ўсаётган кўчатлар кишининг ҳавасини келтирар эди. Шу пайтга келиб фақат 5-бригадада эмас, балки хўжаликдаги барча пахта етиштирилганда майдонларда ёш ниҳоллар дала юзларини яшил либосга кўмаётган эди.

— Кўчатларни ундириб олгунча озмунча меҳнат қилганимиз йўқ, — деди раис пайкал ўртасидаги чопиқ трактори атрофига тўпланишган бригадир ва механизаторларга мурожаат этиб. — Энди набат — парваришга. Биз ҳар бир тўп кўчатни чинакам деҳқон меҳри билан қамраб олишимиз, асраб-авайлаб ўстиришимиз керак.

Шундан сўнг тажрибали механизатор Эргаш Ҳайдаров трактордаги ўрнатилган чопиқ органлари мисолида бу йилги шароитда қандай қилиб ишлов бериш ва озиқлантириш, суғориш учун жўяк олиш лозимлиги ҳақида батафсил сўзлаб берди.

Бу айни ўз вақтида ўтказилган тадбир эди. Колхоз правленеси дастлабки ишловни сифатли ўтказиб олиш, озиқлантириш ҳамда экинларни биринчи сувга қондириш режаларини белгилаб, тегишли раҳбарлар, мутахассислар зиммасига конкрет вазифалар юклади. Натижада, эндигина ер қобигини ёриб чиқиб, кўкка бўй чўза бошлаган ниҳоллар тезда ўзини ўнглаб олди. Хўжалик гўза парваришида район колхозлари орасида юқори ўринлардан бирига чиқиб олди ҳамда бу илғорлик ёз бўйи ва куз бўйи қўлдан берилмади. Энди хулоса қилиб шу нарсани айтиш мумкинки, Крупская номли колхоз меҳнаткашлари давлатга пахта сотиш йиллик планларини район хўжаликлари орасида биринчи бўлиб қисқа муддатларда ортиғи билан адо этдилар. Ҳозирга қадар 1433 гектар ернинг ҳар гектаридан деярли 32 центнерга етказиб ҳосил олинди. Ҳар йилдагидай бу сафар ҳам йиғим-терим тақдирини механизаторлар ҳал этишди. 33 та терим агрегати билан 3300 тоннадан зиёд «оқ олтин» йиғиштириб олинди.

Дала ишларини йил бошиданоқ намунали ташкил этган Раҳмонқул Жабборов бошлиқ 5-бригада коллективи эса ҳосилдорлик борасида энг юқори кўрсаткичга эришди. Бу ерда 125 гектар ернинг ҳар гектаридан 32 ўрнига 39 центнердан хирмон кўтарилди. Бошқача айтганда, ҳозирнинг ўзидаёқ шу бригадада давлатга пландан ташқари 100 тонна «оқ олтин» сотилди. Тажрибали пахтакор Р. Жабборов бош бўлган бригада деҳқонлари ҳосилдорликни 45 центнерданга етказиш учун курашмоқдалар. Ўрни келганда бригаданинг Эргаш Ҳайдаров, Омонқул Жабборов каби механизаторларининг ишларини ҳам мақтаб ўтмоқчимиз. Уларнинг ҳар бири мавсумда 170—180 тоннадан пахта териб бердилар.

Шунингдек, колхознинг Аҳмадқул Таниқулов, Бектўра Жонтўраев ўртоқлар бош бўлган бригадаларида ҳам баракали хирмон кўтарилди. Мазкур бригадаларда ҳосилдорлик 35—37 центнерданга тўғри келди. Хўжаликда йиғим-терим ҳали қизғин давом этмоқда.

Тажрибали деҳқон, жонкуяр ташкилотчи Қодирқул Хотамов Гулистон районидаги Крупская номли колхозга 20 йилдан бери раҳбарлик қилиб келади. Ана шу давр мобайнида хўжаликда қўплаб янги ерлар ўзлаштирилди, пахта ҳосилдорлиги эса деярли 2—2,5 баравагра кўтарилди, қўплаб янги тармоқлар пайдо бўлди. Колхознинг экономикаси ўсди, механизаторларнинг турмуш даражаси юксалди. Колхоз меҳнат аҳли камтарин инсон, тадбиркор раҳбар Қодирқул акани бехад ҳурмат қилади. Ёшлар эса «отахон» дея эъзозлайдилар. Сирдарёнинг бўйига жойлашган бу хўжалик меҳнаткашлари ўнинчи беш йилликни деярли барча соҳалар бўйича муваффақиятли якунлашиб, жонажон партиямизнинг бўлажак XXVI съездига муносиб совғалар тайёрлашмоқда.

А. УМАРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

БУГУН ТОШКЕНТДА ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАРИНИНГ VIII СЪЕЗДИ ОЧИЛАДИ

ИЛҲОМИМИЗ, ИЖОДИМИЗ — СЕНГАДИР ВАТАН!

Улуғ Октябрь инқилоби алангаларида ва ҳаётбахш орзулар ҳамда эзгу тилаклар оғушида таваллуд топган ўзбек совет адабиёти Совет жамияти ва партия раҳнамолиги туфайли, халқимизнинг ажойиб истаклари, кескин курашлари ва баҳодирона меҳнати туфайли, мўъжизакор ижодкорлиги ва ҳар соҳадаги оламшумул аҳамиятли тарихий ютуқлари туфайли буюк муваффақиятларга эришди. Ҳа, мана олтмиш йилдан кўпроқ вақт мобайнида бизда янги, баркамол, яхлит ва улкан бадиият олами, энг илғор, энг олий ва энг гўзал инсоний идеал — коммунизм биносининг қад кўтаришига хизмат қиладиган янги адабиёт олами яратилди ва шу даражада вояга етди, ўзининг энг яхши асарлари ила дунё миқёсига кўтарилди.

Ушбу принципиал аҳамиятга эга бўлган буюк муваффақиятларнинг ҳеч бўлмаганда баъзи асосийларига шарҳ берилса, чиндан-да ниҳоят даражада қувонарли ва ҳайратланарли нарсаларга дуч келиш турган гап, албатта.

Аввало, адабиётимизнинг тематикаси ва характерли томонлари. Ҳаминга замонавийлик, давримизнинг долзарб муаммолари, мамлакатимизда янги жамият қуриш ва уни мудофаа этиш, империализм ва мустамлакачиликка қарши, ғоя урушларига қарши курашиш, Ленин партияси ва Совет ҳукумати фаолияти, совет кишилари, пахта усталари, қўриқ қаҳрамонлари, завод ишчилари, фронт жангчилари, уларнинг ажойиб сиймо ва улуғвор ишлари, халқлар дўстлиги ва ҳамкорлиги ўзбек совет адабиётининг диққат марказида бўлиб келмоқда; умуман, ҳозиржавоблик ва оперативлик, активлик ва ҳужумкорлик, партиявийлик, халқчиллик ва ватанпарварлик ўнга хос бўлиб келмоқда, аксар тарихий темаларни ҳам ленинча муносабатга асосланган ҳолда замона вазифаларига хизмат қилдириш билан машғул бўлиб келмоқда у.

Жанрлар бобида ҳам ютуқларимиз чўғи шоёни диққатдир, тарихда мисли кўрилмаган даражададир. Ахир, ҳозирги адабиётимизда классик адабиётимизда мавжуд бўлган деярли барча шакллар борлиги ҳамда тараққий этганлиги устига, ҳозирги замон бадиятининг ҳамма жанрлари — янгича поэзия, роман, ҳикоя, повесть, публицистика ва ўнлаб барча турлари, драматургия ва болалар адабиёти мавжуддир. Асосий гап уларнинг борлигидагина эмас, энг муҳими, уларнинг ҳар бирининг жуда катта адабиётларда бўлганидек, ўзига хос мустақил, алоҳида соҳага айланиб тараққий этиб, камолот касб этиб кетганлигида ҳамдир. Яна шуниси муҳимки, айниқса, кейинги йилларда ҳозирги замон адабиётида бош ролни ўйнайдиган, адабиётнинг равнақи даражасини белгилайдиган турларидан бири — романчилик жуда севинарли даражада ривожланиб кетди. Бақувват романларимиз бидан Иттифоқ ҳамда жаҳон миқёсига кўтарилдик, чиқдик. Уларнинг рус ва бошқа қардош халқларнинг тилларига, инглиз ва немисчага, француз ва болгарчага, вьетнам ва ҳиндчага, араб ва венгерчага таржима қилинганликлари, бир неча бошқа хорижий тилларда нашр этилганликлари ва ҳар бир орасида ҳамон шундайлари кўзга ташланадики, улар халқимизнинг, партия ва замонамизнинг жуда юксак ҳамда жиддийлашиб кетган талабларига етарли жавоб беролмайдилар, катта заифликлардан ҳоли эмаслар, шошма-шошарлик ва масъулиятсизлик билан, ҳатто «конвейер» усулида ёзилган хом асарлар оз эмас, айниқса бадиий жиҳатдан оқсоқ ҳамда мавзу томонидан тор ва нўноқларининг борлиги ўқувчиларни афсуслантирмай қолдирмайди. Лекин шуниси ҳам борки, анчагина ҳолатларда, қатор ёшларнинг ва ўрта ёшдагиларнинг баъзи асарларидаги камчиликлар кўпинча ахтаришлар ва эволюция, ривожланиш камчиликларидир.

Аммо қандай бўлмасин, раётган шоира онахон қизларимиз етишиб чиқдилар, етишмоқдалар ҳам. Бу ёшларимизнинг ҳаммаси ижодда ўз овозларига эга бўлиб, бадиятда мустаҳкам ўрин олган ва олишга самарали уринаётган ажойиб ижодкорлардир. Ҳозироқ айтиш мумкинки, агар улар кейинлар яратувчилик машаққатлари олдида орқага тисарилмасалар, ижод, адабиёт, ва халқ олдидаги жиддий масъулият сезгиларини сусайтирмасалар, тинимсиз тарзда баландликларга интилсалар ва уларга ёрдам мумкин қадар кучайтириб борилса, катта адабиётимизнинг янада катта, бой ва ёркин келажаги бугуноқ таъмин қилинди, шундай деса бўлади, шунга ишонса бўлади...

ЧЎҚҚИЛАР ТОМОН

мамлакатда юксак баҳо олганликлари бежиз эмас. Улар халқимизнинг юксак истеъдоди ва улкан ютуқларини, дўстлик ҳиссиёти ва интернационалистик интилишларини, Ватанимиз қудрати ва гўзаллигини, партия ва ҳукуматимизнинг донолиги ҳамда тинчликпараст сиёсатини турли мамлакатларда тарғиб ҳамда ташвиқ қилмоқдалар.

Кейинги йилларгаги баркамол ва яхши романларимиз деганда биринчи навбатда Шароф Рашидов ва Назир Сафаровнинг, Яшин ва Ҳамид Ғуломнинг, Раҳмат Файзий ва Мирмуҳсиннинг, Асқад Мухтор ва Одил Ёқубовнинг, Саид Аҳмад ва Пиримқул Қодировнинг, Ўткир Ҳошимов, Ўктам Усмонов ва бошқаларнинг романларини эсга олиб ҳамда тақдирлаб ўтиш жоиздир, албатта.

Алоҳида айтиб ўтмоқ лозимки, адабиётимизнинг шуҳрати шу қадар узоқ-узоқларга ёйилганлиги ва фаолияти қўламининг шу даражада кенгайиб кетганлигида энг асосий роллардан бирини улуғ рус тили ўйнади, шу тилга ажойиб ҳамда юксак малакали дўстларимиз — рус ижодкорлари амалга оширган таржималар муҳим бўлди.

Съездимиз арафасида уларга юрак ташаккури ва тасанносини айтиб ўтишни ўз бурчимиз деб биламиз.

Албатта, иш бор жойда хатолар ҳам, ижод бор жойда нуқсонлар ҳам бўлади. Адабиётимизнинг барча жанрларида яратилган асарлар чуқур ўкинч билан айтмоқ керакки, драматургиямиз соҳасида (мақтанарли ютуқларимизга қарамай) мавжуд бўлган жиддий ночорликлар эътиборни ўзига жуда тортаётир. Театрларимизнинг додини, қаттиқ талабларини янада кучли ҳисобга олиш ва ижод ишларини янада активлаштириш зарурати аллақачонлар кун тартибида кўндаланг бўлиб турибди.

Принципиал аҳамиятга эга бўлган ва алоҳида қайд этишга лойиқ ютуқларимиздан бири шундан иборатки, адабиётнинг энг оператив ва энг оммавий жанрларидан бўлган юксак савияли бадиий публицистика бизда ҳусусан кейинги йилларда ҳақиқатан ҳам жуда жонланиб кетди. Бу ғоят муҳим бўлиб, бизни қувонтиради.

Адабиётнинг келажаги муаммолари, шу билан бевосита алоқадор ва узвий боғлиқ бўлган, шу келажакни яратадиган ёш талантлар тақдири, тарбияси, рағбати масалалари, шулар ҳақида жуда яқиндан ғамхўрлик қилиш ҳамиша партиямизнинг эътибор ҳамда фаолияти марказида бўлиб келмоқда. Биз съездимиз олдида катта мамнуният ва севинч билан айта оламизки, республикамиздаги адабий ҳаёт бу соҳада ҳам жуда илгарилаб кетди. Ҳар қачонгидан ҳам адабиётимизнинг барча соҳаларида юксак истеъдодли кўп ёшлар, шу жумладан, жуда умидли, бир-биридан зўр, ҳозироқ тўлақонли шеърлари ила ҳаммани маҳтун қилиб ҳайратда қолдирмоқдалар.

Шуни ҳам мамнуният ила қайд қилмоқ лозимки, республикамизда улкан ва ягона адабий ҳаётда ўзбеклар билан бирликда, ёнма-ён туриб, рус, қорақалпоқ, тожик, корейс, қрим татар ёзувчилари ҳам навбатдаги съездимизни зўр ижодий муваффақиятлар ила кутиб олмоқдалар.

Съездолди сарҳисоби ҳақида сўз кетаркан, ниҳоят, яна бир ғоят муҳим ва принципиал масала дарҳол кўз ўнгига келади, шу масала бўйича эришилган катта ютуқлар ҳаётда гавдаланади. Гап шундаки, тарихда ва асримизда шундай бир халқ бўлмаган ва йўқки, у, бой маданиятли бўлсин-да, бу маданиятига бошқа халқлардан тамомила ташқарида ва уларнинг цивилизациясидан, маданиятидан таъсирланмаган, ижодий фойдаланмаган ҳолда эришган бўлсин ва ўз маданияти том маънода умумбашарий аҳамиятга молик бўлсин. Ўртоқ Л. И. Брежнев ўзининг «Қўриқ» эпопеясида шу ўта принципиал масала муносабати ила халқ тараққиёти қонуниятларидан бирини чуқур очиб, ғоят қимматли фикрни ўртага ташлади ва айтди:


«Абай қозоқ халқини бир жойда қотиб қолмасдан, ўз ижодини рус ва бошқа халқларнинг муваффақиятлари билан бойитишга даъват этган. Бу нарса бизнинг маданият учун ҳам муҳимдир. Ҳар қандай миллий маданият ўзига бикиниб олса, муқаррар равишда ютқазади, бундай маданият умуминсоний фазилатлардан маҳрум бўлади. Афсуски, ҳамма ҳам ва ҳамиша ҳам буни тушунавермайдилар».

Айниқса, бизнинг социалистик жамиятда ҳар бир совет халқининг тараққиёт қонуниятининг шу томонига ҳам тўла риоя этиш, амал қилиш учун барча имкониятлар яратилган бўлиб, эришилган ютуқлар ҳам жуда ҳайратланарли. Халқимиз серқирра ва ўта бой жаҳон цивилизацияси оламига кирди, ҳар соҳада, жумладан, бадиий маданиятда, максимал тарзда ундан фойдалана бошлади. Чунончи, янги адабиётимизга асос солган Ҳамза ва Айнийнинг, Ғафур Ғулом, Ойбек, Ҳамид Олимжон ва бошқа классикларимизнинг рус ва озарбайжон, украин ва бошқа халқлардаги сўз санъати усталарига бўлган ўта илиқ муносабатлари, уларга сабоқлари учун миннатдорчилик ҳиссиётлари, муҳаббатлари асло тасодифий эмас, албатта. Бизда ташкилий тус олган ва ҳартомонлама илмий асосга эга бўлган таржимачилик жуда ривожланиб кетди, таржимонлар мактаби ва силсиласи пайдо бўлди, вояга етди. Улар ёрдамида халқимиз ва адабиётимиз дунё бадияти хазинасига, ҳа, жаҳон бадияти хазинасига эга бўла бошлади. Ахир, қаранг, ўзбек юрти, адабиёти ва ҳонадонига беқиёс бой рус бадияти ва бошқа қардош халқлар адабиёти намуналари, қадим юнон ва Рим, қадим Эрон ва араб, мўъжизали ҳинд ва Ғарб сўз санъати, Боккаччо ва Данте, Шекспир ва Гёте, Шиллер ва Стендаль, Брехт, Гауптман ва бошқаларнинг қатор-қатор шоҳ асарлари кириб келди, олам-олам маънавий бойлик, безак ва севинч олиб келди, тараққиётимизга кўдратли мададкор бўлиб кирди, жумладан, юксак савияли ва умуминсоний аҳамиятли бадиятимизни ривожлантиришда мададкорлардан бўлиб кирди...

Шу билан бирга, бу соҳада ҳам ҳали амалга оширилиши зарур бўлган анчагина вазифалар кун тартибида турибди.

Хуллас, юқорида тилга олинган ва принципиал аҳамиятга эга бўлган муваффақиятлар шуни кўрсатадики, ўзбек совет адабиёти навбатдаги аниқуманини очиқ юз ва қизарилмайдиган сўз билан, муҳим ва актуал вазифалар билан, жонажон партиямизга чексиз муҳаббат ва миннатдорлик билан кутиб олмоқда.

Воҳид ЗОҲИДОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги.



Ўзбек совет адабиёти кунданкунга юксалмоқда. Истеъдодли адибларимиз ва шоирларимиз яратган ва гуллаб-яшнаётган ҳаётимиз кенг кўламда тадқиқ этилган бадиий баркамол асарлар дунё миқёсида довруқ қозонмоқда. Бугун Тошкентда очилган республика ёзувчиларининг VIII съездида адабиётимиз эришган ютуқлар қайд этилиши билан бирга ижодкорларимиз олдида турган долзарб масалалар муҳокама қилинади. Келажак режалари белгилаб олинади.

Суратда: (чапдан ўнгга) Р. Бобожон, В. Озеров, К. Яшин, З. Фатхуллин, Ҳ. Абдусаматов, М. Шеердин, Н. Нарзуллаев, Т. Тўла, Шукрулло.


С. Маҳкамов фотоси.

АСАР — ДАВР КЎЗГУСИ

«Совет Ўзбекистони» анкетаси

1. Коммунист образини яратишда ёзувчи масъулиятини қандай тушунасиз?
2. Ҳозир қандай янги асар устида ишлаяпсиз?
3. Ҳозирги ёш адиб ва шоирларга билдирадиган тилакларингиз?

Ҳамид ҒУЛОМ



1. Коммунист—ижодкор инсон. Унинг ижоди, яъни меҳнати, кураши, фаолияти зулму зулматдан озод бўлган янги, адолатли жамият қуришга қаратилган.


Мен «Машъал» романида коммунист оталаримиз образларини Ботирали ва Эъзозхонлар тимсолида, «Мангулик» романида Масъуд ва унинг отаси ҳамда дўстлари тимсолида; коммунист замондошларимиз образларини эса «Тошкентликлар» романида Ойниса ва унинг фарзандлари, «Сенга интиламан» романида Феруза, «Бинафша атри» романида чўлқувар қаҳрамонлар тимсолида яратишга ҳаракат қилдим. Ўзбек адабиётида коммунист образи яратилган бундай асарлар жуда кўп. Мен, айниқса, Ойбек, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Шароф Рашидов, Мирмуҳсин, Асқад Мухтор, Одил Ёқубов прозаси ва поэзиясида, Комил Яшин, Назир Сафаров, Уйғун драматургиясида яратилган коммунистларнинг ёркин сиймолари адабиётимизнинг ёш авлоди ижоди учун намуна бўлиб хизмат қилади, деб ишонч биядираман.

2. Мен ҳозир «Машраб» романи устидаги ишимни ниҳоясига етказдим. XVII асрнинг иккинчи ярми ва XVIII асрнинг дастлабки ўн йилида яшаган буюк исёнкор шоир, эзгулик курашчиси бўлган ажойиб инсон образи яратилди.

Яқинда биринчи трактурчи қиз Мастура Азизова ҳақида янги насрий асар ёзишга киришмоқчиман.

3. Бошқа адибларимиз қаторимен ҳам адабиётимизга янгидан-янги истеъдодли ёш ёзувчилар кириб келаётганидан қувонаман. Шеъриятда ҳам, наср ва драматургияда ҳам навқирон қалам соҳиблари баракали ижод қилмоқдалар. Улар томонидан яратилаётган асарлар қанчалик кўп бўлмасин, барчаси «бир хил савияда, салмоқли», дея олмаймиз. Шу маънода ижодий меҳнатга жуда жиддий қараш керак.

МИРМУҲСИН



1. Коммунист сиймоси, яъни адабиётимизнинг бу қадрдон образини яратишда ёзувчи масъулияти ниҳоятда катталиги ҳаммага маълум. Коммунист образи деганда менинг кўз олдимга биринчи галда «Ленин Октябрда» фильми, доҳий образи, истиқболдага қарши курашган қўрқмас инқилобчилар, озодлик йўлида ўзини қурбон қилган баҳодирлар, Максим Горький яратган Павел Власов, Л. И. Брежневнинг «Қўриқ» асаридаги Нестеренко образлари келади.


Жаҳон афкор оммаси коммунистларга суянади, порлоқ коммунистик ғоя узоқ қитъалардаги зулматларга қуёш нуридек кириб, ёритмоқда. Коммунист образини маҳорат билан яратиш энг яхши ва энг илғор қалам соҳибларининг эзгу орзуси бўлиб, бу—ниҳоятда катта меҳнат-у маҳорат, изланиш-у ирода, матонат талаб қилади. Ҳайкалтарош Коненковдек беқиёс мармарларни йўниш керак, Ойбекона тонготар қилиб, шамдек ёниб ишлаш керак — игна билан қудуқ қазиш керак. «Ғолиблар», «Бўрондан кучли», «Қудратли тўлқин», «Йўлчи юлдуз» ёки «Хуррият» асарлари замирида қанча маҳорат-у қанча меҳнат ётибди. Бу асарларда коммунистларнинг ёркин образлари бор.

Мен ҳам Афғонистонда Апрель инқилоби қаҳрамонлари ҳақида «Чодрали аёл» қиссасини ёздим. Бу асар қаҳрамони Муҳаммад Сидқий Апрель революциясининг фаол иштирокчиси, коммунистдир.

2. Бир неча китобга мўлжалланган «Илдизлар ва япроқлар» романимнинг биринчи китобини тугатиб, нашриётга топширдим. «Шарқ юлдузи» журналида босилади. Бу асар асосан пахтакорлар ҳақида. Жанубий районларимизда ингичка толали пахта экаётган ажойиб пахта усталарига бағишланган. Биринчи китобда воқеа, асосан Сурхон водийсида кечади. Иккинчи, учинчи китобларда республикамизнинг бошқа районларига ва пойтахтга ҳам кўчади.

3. Умидли ёш қалам аҳлига шуларни айтмоқчиман: вақтни шамолга совурмаслик керак. Эрталабдан кечгача оёқни осилтириб ўтириб, ҳангома қилиб, ҳаётни ўрганиб бўлмайди. Дала кезса-ю заводларга борса-ю одамлар жасоратини ҳис этолмаса, йўқса бу ҳам бекорчилик, деган гап. Мен укаларимга кўп меҳнат қилиш, ҳаётнинг ичида бўлишликни маслаҳат кўраман.

Одил ЁҚУБОВ



1. Бугун адабиёт ва санъатда том маънода коммунист образини яратиш деган сўз ҳаёт илгари сураётган энг муҳим, энг катта, энг мураккаб муаммоларни кўтариб чиқиш, деган сўздир. Чунки социалистик қурилишнинг ҳамма тармоқларида, хоҳ завод бўлсин, хоҳ колхоз-совхоз бўлсин, хоҳ бошқа гигант қурилишлар бўлсин, ҳамма жойда коммунистлар етакчи куч ҳисобланади, ҳамма жойда энг олдинги сафларда коммунистлар туради. Демак, бу қурилишлар, завод ва фабрикалардаги, колхоз ва совхозлардаги муваффақиятлар ҳам, мағлубиятлар ҳам, зафарларга боғлиқ қувончлар ҳам, мағлубиятга боғлиқ тушкунликлар ҳам—ҳаммаси қатта ишларга бошчилик қилаётган коммунист раҳбарларнинг фазилат ва нуқсонларидан келиб чиқади. Демак, чин коммунист образини яратишга жазм этган адиб ва санъаткор, истасин-истамасин, ҳаётнинг мана шу теран қатламларини чуқур идрок этмоғи шарт, акс ҳолда, у ўз олдига қўйган юксак мақсадига эриша олмайди. Улуғ инсонлар улуғ мақсадлар билан яшайди, улуғ мақсадлар эса оппа-осон рўёбга чиқавермайди. Шунинг учун катта ирода, куч, истеъдод, буюк ғояларга садоқат, сабр-тоқат ва матонат даркор. Улкан ёзувчимиз Шароф Рашидов яратган Ойқиз ва Олимжон, Пўлат ва Баҳорларнинг муваффақияти ҳам менинг фикримни тўлиқ тасдиқлайди.

2. Бир неча йилдан бери янги насрий асар устида ишлаяпман.

3. Адабиётимизга жуда кўп истеъдодли ёшлар кириб келмоқда. Мени уларнинг асарларидаги муҳим бир фазилат-самимият қувонтиради. Бу яхши, албатта, лекин етарли эмас. Мен уларнинг ҳаёт қозонида кўпроқ қайнаб, катта мавзу, катта ижтимоий — ахлоқий ва маънавий масалаларни кўтариб чиқишларини истардим.

БЕБАҲО БОЙЛИГИМИЗ

Яқинда ёзувчи Одил Ёқубовнинг «Диёнат» романи СССР Ёзувчилар Союзининг энг яхши асарларга бериладиган мукофотини олишга сазовор бўлди. Бу асарнинг юксак баҳоланишига сабаб, аввало, ёзувчининг ҳаётга фаол муносабатда бўлишида, қолаверса, унинг бадиий маҳорат сирларини тузук эгаллаганидадир. Романда бугунги ҳаёт тарзи ўзининг бор зиддиятлари, мураккабликлари билан реал ва нафис акс этган.

Икки съезд оралиғида яратилган асарлар хусусида ўйлаганимда Ўктам Усмоновнинг «Гирдоб» романини ҳам қайд қилиб ўтгим келади. Бу асарни адабий жамоатчилик яхши кутиб олди. Роман хусусида қўпгина фикрлар билдирилди. Жамоатчиликда бундай ижобий фикр уйғотишини мен ёш романнависнинг катта ютуғи, деб биламан.

Шароф Рашидовнинг беш жилдлик асарларининг Москвада нашр қилинаётгани маданий ҳаётимизда катта воқеадир. Ойқиз, Олимжон жасоратлари, Пўлат ва Баҳорларнинг ёшларга ўрнак бўларлик хислатлари билан бутунииттифоқ китобхони яна бир марта танишади.

Назир Сафаров, Йўлдош Шамшаровларнинг қисса ва очерклари; Мирмуҳсин, Пиримқул Қодиров, Саъдулла Кароматовнинг романлари ҳам бугунги ҳаёт қаҳрамонларини маълум бир қирраларини очиб беришга бағишланган асарлардир.

Яхши романлар қаторида ҳикоячилигимиз ва шеъриятимизда ҳам эътиборга сазовор асарлар пайдо бўлди. Шукур Холмирзаев, Ўткир Ҳошимов, Неъмат Аминовларнинг эълон қилаётган асарлари ҳам ҳаётга фаол муносабатда бўлиш жиҳатдан ажралиб туради. Шу нуқтаи назардан қараганда Абдулла Ориповнинг «Жаннатга йўл», Эркин Воҳидовнинг «Руҳдор исёни» асарлари бугунги достончилигимизнинг катта ютуғи, деса арзийди. Омон Матжон, Рауф Парфи, Муҳаммад Али шеърлари ҳам бугунги ҳаёт проблемаларини қамраб олиш жиҳатдан ажралиб туради. Афсуски, адабий танқидчилигимиз ёшлар шеъриятидаги ўзига хос поэтик хусусиятларни ҳали ҳам етарли даражада очиб бераётгани йўқ.

Мен адабиётимизнинг доим шу тарзда шахдам қадамлар билан тараққий этишини, қаҳрамон халқимизнинг бебаҳо бойлиги даражасида бўлишини истар эдим.

Матёқуб ҚЎШЖОНОВ.

БАДИИЙ СЎЗ КУЧИ

Партиямизнинг XXV съезди, унда ҳисоб берган ҳурматли Леонид Ильич Брежнев бизнинг олдимизга адабиётнинг ижтимоий таъсир кучини ошириш вазифасини қўйган эди. Беш йиллик адабий ҳаётимизга назар ташласак, ижодий ташкилотларимизнинг ҳам, ҳамма ёзувчиларимизнинг ҳам бутун диққат-эътибори мана шунга қаратилганини пайқаш қийин эмас. Меҳнат кишисини горькийча талқин этиш традициясини ривожлантириб, ишлаб чиқариш коллективларининг ижтимоий ҳаётини замондошларининг шахсий ҳаёти билан узвий боғлаган ҳолда катта ижтимоий-ахлоқий муаммоларни кўтарган йирик асарлар барча адабиётимизда, жумладан ўзбек адабиётида ҳам кўплаб пайдо бўлди. Шароф Рашидовнинг «Ғолиблар», Комил Яшиннинг «Ҳамза», Ҳамид Ғуломнинг «Мангулик», Назир Сафаровнинг «Наврўз», Мирмуҳсиннинг «Умид», Одил Ёқубовнинг «Диёнат», Пиримқул Қодировнинг «Мерос» асарларида меҳнат кишиси ҳаётининг ҳамма аспектлари бутун мураккаблиги билан тасвирланади. Уларнинг қаҳрамонлари эътиқодли одамлар...

Ҳозир — сарҳисоб, таҳлил, ўтган йўлга кўз ташлаб, унинг сабоқларини эътиборга олган ҳолда истиқболни чоғлаш давридир. Бундай давр одамда масъулият ҳиссини оширади. Адабий хўжалигимиз катта, унинг тармоқлари кўп, беш йиллик маҳсулот ҳам анча салмоқли. Биз ҳар бир жанрнинг аҳволи ва тақдирини белгиловчи барча асарларни профессионал таҳлил қилишимиз, унинг халқ маънавий ҳаётидаги мавқеини белгилаб чиқишимиз керак.

Энг муҳими — бадиий сўзга ташна китобхонларимизнинг юксак эстетик завқига муносиб ҳолда ўз маҳоратимизни ошириш йўлларини белгилашимиз керак. Бу ҳар бир ёзувчини оғир ўйларга толдиради. Биз бадиий сўз кучини, асарларнинг эстетик таъсирини оширишда фақат ёзувчи қобилиятигагина эмас, бутун адабиётларимиз тажрибасига ҳам таянамиз.

Адабий тажрибаларни умумлаштириш, ҳақиқий юксак мезонлар даражасида ишлаш, халқ билан, бунёдкор замондошимиз билан ҳамнафас бўлиш — биз съездимизга мана шундай орзу ва шиорлар билан келмоқдамиз.

Асқад МУХТОР.

МЕЗОН — ҲАЁТ

Кейинги йилларда адабиётимизда— баъзи жанрларни ҳисобга олмаганда катта кўтарилиш сезилди. Бу ҳолни, албатта, яратилган асарларнинг сонида ҳам, сифатида ҳам кўриш мумкин. Адабиётимизнинг умумий оқимида жўнлик, ибтидоийлик, бир сўз билан айтганда, схематизм чекинди. Бунга албатта, биринчи навбатда адибларимизнинг маҳорати ошгани сабаб бўлган, иккинчи ва балки энг муҳим сабаб, ҳаёт қаҳрамонларининг ўзлари мукаммаллашиб кетганлигидир. Биз ҳозир ижобий қаҳрамон деганда кўп қатори ерда юрадиган кишиларни тасаввур этамиз. Ҳозирги обиватель ҳам бошқача ҳолда кўзга ташланади. У яхши кийинган, ҳамма нарсадан хабардор бўлиши мумкин. У айтарлик хато ҳам қилмайди. Лекин унинг қалбига назар ташласангиз, ҳамишагидек у ерда худбин туйғулар, тор манфаатларни учратасиз. Бу гаплар бир қарашда прозага тааллуқлидай туюлиши мумкин. Аммо масала моҳият эътибори билан шеъриятга ҳам тўла тегишлидир. Шеъриятимизда пахтакор халқимизнинг тақворланмас образлари яратилишини орзу этаман. Тўғри, кейинги йилларда йирик шеърий полотналар ҳам яратилди. Бу асарларни биз адабиётимизнинг умумий хазинасини бойитувчи фактлар, деб биламиз.

Кейинги йиллар адабиётимиздаги яна бир муҳим кўтаридишни қайд этиб ўтмоқчиман. Бу—ёшлар шеъриятидир. Ҳозирги кунлар шеъриятимизда ёшларнинг ўз мустаҳкам ўринлари бор. Бамисоли очилган бодроқдек янги-янги шоирлар, носирлар пайдо бўляпти. Улар бизнинг катта бойлигимиздир. Ёшлар шеъриятида, айниқса, психологик чуқурлик тобора кучайиб бормоқда. Менинг ёш ўртоқларимга айтадиган муҳим бир тилагим бор эди. У ҳам бўлса, ҳаёт билан бевосита алоқадор бўлишликдир. Халқ дилини теран акс эттирадиган гўзал шеърлар ҳеч қачон эскирмайди, у модадан ташқаридир.

Адабиётимизда катта кўтарилиш сезилмоқда, дедик. Адабий-танқид чинакам етук асарлар моҳиятини атрофлича очиб беришга, уларни ҳаёт, тараққиёт, давр билан боғлаб кенг кўламда таҳлил қилишга эътиборни қаратса чакки бўлмас эди.

Ёзувчиларимизнинг навбатдаги катта анжуманида барчамиз учун ниҳоятда фойдали гаплар бўлиши шубҳасиз.

Абдулла ОРИПОВ.

Жалил ҲАКИМОВ

Ўзбек совет тасвирий санъати оғир жудоликка учради. СССР Рассомлар союзининг аъзоси, ёғочга бадиий нақш солишнинг кекса усталаридан бири, Ўзбекистон ССР халқ рассоми Жалил Ҳакимов 61 ёшида тўсатдан вафот этди.

Ж. Ҳакимов 1920 йилда туғилди. 1938—1940 йилларда Тошкентдаги ўқув-ишлаб чиқариш комбинатини ҳамда халқ маорифи ходимлари малакасини ошириш институтини битирди. Ижодий фаолиятини 1938 йилдан ёғочга нақш солиш устаси вазифасидан бошлади. Унинг илк асари — Москвадаги Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасидаги Ўзбекистон ССР павильонининг безаги унга обрў-эътибор келтирди. Шундан кейинги йилларда кўплаб йирик асарлар яратди. Бу асарлар ўзбек миллий нақшининг анъаналарини нозик ҳис этиш ҳамда юксак профессионал маҳорати билан ажралиб турарди. У бадиий ўймакорликда ўзбек совет мактабини шакллантириш ва республикада халқ амалий санъатини ривожлантириш ишига катта ҳисса қўшди.

Ж. Ҳакимовнинг ёркин ишлари давлат ва жамоат бинолари интерьерларини безаб турибди. Улар орасида Бекободдаги металлургия заводи Маданият саройи, Оққўрғон-шаҳридаги жанговар шон-шуҳрат музейи, Тошкент темир йўл вокзали, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси, Москва шаҳридаги меҳмонхона — «Олимпиада-80» объекти ва бошқалар шулар жумласидандир.

Ж. Ҳакимов катта ижодий фаолиятини П. П. Беньков номли республика рассомчилик билим юртидаги педагогик ишлари билан узвий қўшиб олиб борди. Бу ерда у халқ амалий санъати ёш усталарини тайёрлади.

Халқ амалий санъатини ривожлантиришдаги хизматлари учун у Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиқлари билан мукофотланган эди. Унга 1969 йилда Ўзбекистон ССР халқ рассоми юксак унвони берилган эди.

Талантли рассом, педагог, камтарин инсон, халқимизнинг ажойиб фарзанди Ж. Ҳакимовнинг хотираси қалбимизда ҳамиша сақланиб қолади.

Бир группа ўртоқлари.

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

Р. 03325. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри, Индекс 64583. Б. — 251. 2